

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

1999 йил
ДЕКАБР 5

Олий Мажлис
ва маҳаллий Кенгашларга
сайловлар куни



2000 йил
ЯНВАР 9

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови
куни



ПАРЛАМЕНТ - ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

Танишинг: Олий Мажлис депутатлигига номзодлар: (юқорида: суратда чапдан) Тошкент шаҳри, 20-Шайхонтохур сайлов округидан "Шарқ гули" бадиий ишлаб чиқариш бошқаруви раиси - Саида Ғаниева, Тошкент вилояти, 156-Ўрта Чирчиқ сайлов округидан, Ўзтеле-радиокомпанияси "Ахборот" бош тахририяти муҳаррири - Шаҳодат Муродова, Тошкент шаҳри, 6-Мирзо Улугбек сайлов округидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибияти Умумий бўлимининг мудирини - Гавҳархон Ҳакимова.

Сайловчиларингиз билан бўлаётган учрашувларингиз қай даражада ўтаётди? Сиз уларнинг ишончига қандай кишиларгина сазовор бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз?

Саида ҒАНИЕВА: Гапнинг тўғриси, бугунги номзодларга сайловчиларни ўз ордидан эргаштириб кетиш анча қийин кечапти. Сайловчилар энди анойи эмас. Улар ҳар бир партия, ҳар бир номзоднинг сайловолди дастурини синчковлик билан ўрганишмоқда. Бирок шундай кезде ҳам баъзи номзодлар қонун устиворлигини четлаб ўтишга уриниб, сайловчиларга пуч ваъдалар бериш, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш, савдо уюштириш ёхуд округга баобру-баобру одамларни етаклаб бориш

каби "саъй-ҳаракат"ларга берилмоқда. Лекин, бугунги сайловчилар ўз овозига лоқайдлик билан қаровчи кечаги кишилар эмас... Улар эндиликда Юртбошимиз таъбири билан айтганда "аввало, ўз хоҳиш иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда" овоз берадилар. Чунки, Парламент - жамият кўзгуси эканлигини улар бугун яхши тушуниб етганлар.

Улар яна шунини яхши биладиларки, бўлгуси Олий Мажлис XXI асрнинг дастлабки йилларида фаолият кўрсатади. Демакки, янги асрга бўладиган сафаримиз Парламент таркибига сайланадиган депутатларнинг ҳар томонлама баркамол салоҳиятига боғлиқ. Сафарга эса ишонган одам билан чиқилади... Агар мен сайловчилар назарида ана шундай одам бўлсам ўзимни ғоят-бағоят бахтли-бахтиёр сезган бўлардим...

Шаҳодат МУРОДОВА: Аввало, қисқача ўзим ҳақимда: 1959 йилда Ўрта Чирчиқ туманининг "Қорасув" жамоа хўжалигида туғилганман. Чет тиллар педагогика институтини тугатиб, журналистика соҳасида ишлаяпман. 2 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ҳам зиёли.

Энди, савол жавобига келсак, шунини айтишим керакки, сайловчилар билан учрашувларим кўнгилдагидек кетапти. Барака топсин, юртдошларим ҳар гал

илик кутиб олишмоқда.

Дастуримдаги: "Хукукий демократик давлатнинг энг муҳим белгиси - қонун

баробарлигидир. У ким, қайси касб ёки қайси лавозим эгаси бўлишдан қатъий назар, юртимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси. Шундай экан, ўз сайловчиларимни қонун ҳимоясида яшашга интилишларини хоҳлайман ва янги Парламент қонунларида айнан шу омилни такомиллаштириб беришни таъминлашда фаол иштирок этман", "Ватан - бу оила демак, Ватан - бу Сиз, бу мен, бу фарзандларимиз... Сайлов дастуримнинг энг муҳим қирраларидан бири - оила манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг равнақи учун доимо хизматда бўлиш..." - деган сатрларни ўқиганимда зал қарсақларга тўлиб кетаяпти. Демак, сайловчилар менга ишонапти! Демак, мен уларнинг шу ишончига сазовор бўлиш учун, айтган сўзларим ижросини амалда кўрсатишим ҳам керак...

Гавҳархон ҲАКИМОВА: Сир эмас, шу кунларда менга ўхшаган Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сайловчиларнинг салмоқли қисмини ўзига жалб қилиш учун тарғибот-ташвиқот ишларининг турли шаклларида имкон қадар фойдаланмоқдалар. Сайловчилар ҳам "қайси номзодга овоз берсам экан?" дея бош қотирапти. Муқобилларим иштирокда сайловчилар билан бўлиб ўтаётган

учрашувларда шу нарсага амин бўла-япманки, "овоз бериш"нинг қадри тобора кўтарилиб бормоқда. Чунки, бугунги сайловчи кечагисидан фарқ қилади. У эндиликда ўз танлови давлат, жамият, халқ ҳаётига таъсир ўткази олишини англаб етган инсон.

Шу боиски, мен учрашувларда одамларга "газ ёқиб бераман", "сув олиб келаман", "асфалт қиламан" деган ваъдалар бермаяпманки, зеро улар ҳам бу ишлар бугунги депутатнинг юмуши эмаслигини яхши биладилар. Дарвоқе, шундай ҳам!

Бугунги депутат - мамлакатимиз қонунлари мажмуасини яратишда энг олий орган - Олий Мажлис сессияларида сайловчилари номидан уларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи, уларнинг фикри, мулоҳазаси ва мушоҳадасини ифодаловчи ваколатли шахс. Бас, шундай экан, муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов биринчи қақриқ Олий Мажлисининг XV сессиясида таъкидлаганидек, депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол-поклиги, маънавий етуқлиги, қобилияти, теран билими, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин.

Номоз
САЪДУЛЛАЕВ

ХАҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Шомурот Сатторов - Камаши тумани ҳоқими. 1949 йилда Камаши туманининг Гулшан қишлоғида туғилган. Тошкент политехника институтини 1972 йилда битириб, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1997 йилдан туман ҳоқими лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Уч фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Сабоҳат опа ўқитувчи.

- Бу йил сиз раҳбарлик қилаётган туман деҳқонлари галла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб давлатга сотиш режаларини ошиги билан бажардилар. Шомурот Сатторович, катта хирмонга қўшган улушингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Жорий хўжалик йилида, табиатнинг нотантилигидан сира қўшимчаган бобо деҳқонларингиз меҳнати осон кечмагандир?

- Менинг мутахассислигим агроном бўлгани учун дала кезини ўз вазифам деб биламан. Экин майдонларидаги аҳволни кўриб миришкор деҳқонлар билан маслаҳатлашамиз. Кўпроқ далада юришимизга тўғри келади.

Туманимизнинг ҳамма мутахассислари, раҳбар кадрлари кечкурун бир жойга тупланмишда туғилган муаммоларни бартараф этиш чораларини кидирамиз. Тўғриси, сўнги сўзни мен айтаман. Ўзингизга маълум қишлоқ хўжалигида саккиз соатлик иш куни бўлмайди. Бу масаланинг биринчи кўриниши. Асосийси, ерни меъёрида, вақтида шудгорлаб, маҳаллий, минерал озуклар билан тўйинтириб, яхоб суви бериб, экинни вақтида экиш керак бўлади. Ерни деҳқончиликда суяги қотган, саратон жазираси-ю, қишнинг қаттиқ изиринидан чўчимайдиган шаввозларга бериб қўйибмиз. Бу йилги дўл, жала ташвишлари, қайта экишдан, қикимдорликдан чўчимадик. Бундай пайтларда деҳқонларга мадад бериб турган биринчи муовинимиз Абдулла ака Ҳақбердиевга ва хўжаликлар мутасадди кадрларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдираман. Илғор комбайнчиларимиздан Эшқул Жўраев, Гофур Эргашев, Хайит Норқўбиловлар ҳамда илғор пиллачиларимиздан Ҳалима Жўраева, Гўзал Эркаеваларнинг номларини фахр билан тилга оламан. Ҳаллани ўриб-йиғиб олиб режадаги 23300 тонна ўрнига 25787 тонна галла топширдик. Режадагидан 2487 тонна ортиги билан. Ҳукумат қарорларига асосан банклар ўз вақтида иш ҳақини ва мукофот тарикасида бериладиган маблағни хўжалик-

ларга бериб турди. Омборларда қолдирилган галла ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ҳисобидан энг арзон нархларда берилди.

- "2000 йилга қадар қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш" тўғрисидаги ҳукумат қарорлари қай усулда амалга оширилмоқда?

- 1999 йилда туман маркази ҳамда қишлоқларнинг тўқсон беш фоизига табиий газ ўтказилди. Ички имкониятларимиздан келиб чиқиб, туман марказини қишлоқ ҳолатидан шаҳар даражасига олиб чиқдик. 1999 йилнинг биринчи сентябрига 750 ўринли қишлоқ хўжалиги коллежи куриб ишга туширилди. 600 ўринли педагогика коллежининг биринчи навбати ишга туширилди. 240 ўринли хунар лицейи ишга туширилиб, иккинчи навбати янги йилга қадар куриб битказилади. Тижорат савдо бозори, қишлоқ врачлик пунктлари, ўн та савдо дўконлари, туман марказида тўрт километр газ қувурлари, уч километр сув қувурлари курилиб ишга туширилди. Давлат сугурта иродасининг маъмурий биноси, 24 минг квадрат метр ўй-жой куриб фойдаланишга топширилди. Бешта маиший хизмат уйи, 50 ўринли ресторан, қишлоқларда 16 километр газ қувурлари, 6, 05 километр сув қувурлари ўтказилди. Хусусий томорқаларни ҳайдов тракторлари билан таъминлаб, сугориш шаҳобчаларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилиши полиз маҳсулотлари ҳамда галла етиштиришда яхши натижаларни берди. Галла, полиз маҳсулотлари бозорни тўлдирди. Лойсувок, кўримсиз хонадонлар ўрнига кўркам иморатлар қад кўтармоқда, йўллар асфалтланди. Қишлоқларнинг ижтимоий ҳаёти аввалгидан ўн чандон яхшиланди. Қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш борасидаги ҳукуматимиз қарорлари катта суръатлар билан ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Энг муҳими қишлоқлар оғида эртанги кунга ишонч, меҳнатга ва ҳаётга муҳаббат туйғулари уйғонди.

ИСОҚ САТТОВОР

САЙЛОВЧИ САВОЛ БЕРДИ

ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

"...Мен бу йил ilk бор овоз бераман. Сайлов куни овоз бериш тартиби қандай амалга оширилади? Мабодо, мен овоз бериш бюллетенини бузиб қўйсам нима бўлади...?"

Беҳзод НИЁЗОВ,
ТошДУ, журналистика
факултетининг 1-курс талабаси.

Сайлов куни сайлов участкасига борганингиздан сўнг сайлов бюллетенини оласиз ва уни яширин овоз бериш хонаси ёки бўлмасига (кабина)га кириб тўлдирасиз. Сиз бюллетенини тўлдирётганингизда ёнингизда бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши таъқиқланади. Борди-ю, сиз бюллетенини ўзингиз мустақил равишда тўлдирини эпполмасангиз, ўз хоҳишингиз билан сайлов комиссияси аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирор (халис) кишини хона ёки бўлмага таклиф этиб ёрдам сўрашингиз мумкин.

Сайловда Сиз сайловчи сифатида ўзингиз танлаган номзод исми-шарифини қолдириб, қолган (сиз қарши овоз бераётган) муқобил номзодларнинг исми-шарифини бюллетендан ўчириб ташлайсиз. Шундагина сиз сайлов бюллетенини тўғри тўлдирган ҳисобланасиз ва уни овоз берувчилар сайлов қутисига ташлайсиз.

Сайлов бюллетенини бузиб қўйсангиз, сизнинг илтимосингизга қўра янги-си билан алмаштирилади. Лекин, бузилган бюллетен сайлов комиссияси томонидан албатта ҳисобга олинмиш, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим, лозимгина эмас шарт!

ОБУНА - 2000 ЙИЛ

ЯҚИН КЎМАКЧИ, ОҚИЛ МАСЛАХАТГУЙ



Бугун соғлом оила ва соғлом жамият ҳақида ҳаммадан ҳам кўпроқ ўйлайдиган пайт. Зеро, оиланинг, жамиятнинг, пировардида, мамлакатимизнинг эртаси қандай бўлиши, миллий ўзбек оиласининг ҳаётда қандай ўрин тутиши - халқимизнинг маънавий қамолоти билан ўлчанади. Тўғри, ҳозирги кунда энг кўп ишлатиладиган ибора - иқтисод ҳаммиса турмуш тарзининг олдинги поғонасида бўлиб келган. Лекин, ана шу жабҳа ҳам барибир, одамлар онгидеги, оила муҳитидаги поклик, ҳалоллик ва тоза виждон-у, бус-бутун иймон билан узвий боғлиқдир...

"Оила ва жамият" газетаси саҳифаларини варақлар экансиз, ҳар сафар ҳаёлингиздан ана шу ўйлар кечиши, табиий... Бу ўйларингиз ечимида газета Сизга доимо яқин кўмакчи, оқил маслаҳатгуй... Унга обуна бўлинг, вақт оз қолди, фурсат ганимат, шошилинг, азиз мушарриф!

ЎЗБЕКИСТОН:

ЎНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ҚУСУСИДА

● Тошкент вилоят болалар жамғармаси раиси Хушноза Акбарова. — Жамият ҳамоаси 20 ноябрда халқаро миқёсда кенг нишонланадиган БМТ Болалар ҳуқуқи конвенциясининг 10 йиллиги олдидан ОКўрғон туманининг кам таъминланган оилаларидан 30 нафар болакайларини пойтахтимиз бўйлаб сайрга олиб чиқди. Болалар Республика кўйриқок театрида қизқарли эртак-спектаклдан сўнг буюк бобоқалониимиз Амир Темури музейида ва шаҳарнинг диққатга сазовор, хушманзара жойларида бўлдилар. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига Конвенция моҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи рангли суратли буклетлар ва давлат ҳисобидан витаминга бой ширинлик - гемотагин улашилди.

● Олти нафар фарзанд ва ўн нафар набиранинг ота-онаси-ю, бува ҳамда буви-жониси бўлган ОКўрғонлик Солиҳон ҳамда Шокираҳон Каримовлар оиласида уларнинг Кумуш тўйлари нишонланди. Тўйга кенжа фарзандларининг уйланиш тўйлари ҳам улашиб кетди. Бу қувончли тантаналарга таклиф этилган Республика Президенти Ислому Каримов хонадонга ўзининг дил изхори битилган қутлов билан бирга махсус совғасини йўллади.

● "Мисс Ўзбекистон - 99" биринчи республика гўзаллик кўрик-танлови якунланди. 21 ёшли талаба Камола Ғуломова гўзалларнинг гўзали деб тан олинди. Ғолибага кўрик-танлов бош ҳомийси "Виртех-Инвест" компаниясининг "ТАМФА" савдо маркази - 500 минг сўмлик қимматбахо қоғози сертификатини топширилди.

● "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятининг Олот тумани тўқув фабрикаси Германиянинг "Текстима" фирмаси билан шартнома тузди. Шартномага қўра немислар қиймати қарийб 5 миллион АҚШ долларига тенг 40 та тўқув дастгоҳи; асбоб-ускуналари ва бошқа зарур жиҳозлар келтириб, ўрнатиб берадиган бўлдилар. Бу келажакда корхонага йилига бир миллион АҚШ доллари атрафида соф даромад олиш имконини беради.

● Ўзбекистон хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Тошкентда фаолият кўрсатаётган "Баткившина" Украина миллий маданий марказининг 5 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли иммунология институтида "Она ва боладаги иммуна тизими" мавзусида республика анжумани бўлиб ўтди.

● Қўрай кўрғонида ЕХХТнинг "Аёллар учун фуқаро ҳуқуқий таълими: Ўзбекистонда аёлларнинг сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари" дастури бўйича ўттиздан ортиқ аёллар "Аёллар ётақчилиги" уч кунлик семинар машғулот ўтқишди.

АЁЛЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Болалар жамғармаси ва Жиззах вилоят ҳокимияти ташаббуси билан Жиззахда 2-3 ноябр кунлари Республика миқёсидаги Тўмарис ўйинлари-аёллар спорт фестивали ўтказилди. 300 дан зиёд қиз-жувоқлар фестивалда қадимий халқ ўйинларининг етти тури бўйича ўзаро куч синашди.

Тўмарис ўйинлари-аёллар фестивали голиблари аниқлангач уларга тантанали суратда Барчинойи нишонни тақдим этилиб, ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар топширилди.

Шунингдек Республика Болалар жамғармаси томонидан фестивалнинг энг ёш иштирокчиси қашқадарёлик Сабоҳат Сатторов ва "Оила ва жамият" газетаси орқали жамғарма томонидан уюштирилган қизқарли болалар ўйинлари танлови голиби Гулнора Тоҳирова ҳам муносиб совғалар билан тақдирландилар.

Ф.ТОҲИРОВА

ГЎЗАЛЛИК ТАРБИЯЛАЙДИ

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ташкил этилганлигининг 70 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Дастлаб марказий кўргазмалар залида устоз ва шогирдларнинг илҳомий ишлари намойиши бўлди. Сўнгра тантана Туркистон саройида бўлиб ўтди.

- 1959 йилда 20-сонли болалар уйи Тошкент санъат мактабига айлантирилди, - деди тадбирда нутқ сўзлаган лицей-интернат директори С.Содиқов. - Унинг фаолиятидан мақсад Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган истеъдодли болаларнинг бадиий қобилиятларини том маънода ривожлантириш эди. 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони га мувофиқ, бу ўқув даргоҳи Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати сифатида қайта ташкил этилди. Биз ҳозирги кунда АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Корея, Россия, Туркия, Миср каби қатор мамлакатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Хонбобиб МАҲАМОВА

"АЛПОМИШ"НИ УРГАНАМИЗ

АЛПОМИШ

(Боши ўтган сонларда)
Мазмуни

Қоражон Алпомишни меҳмонга олиб келгани онаси Сурхайл кампирга ёлмагани кампир уни дабдурустанд ўзларига душман билганидан койиниб, деб турган жойи:

- То ўлгунча яратганга рост бўлгум,
Ўз феълимдан чўпу хасдан паст бўлдим,
Худони ўртага солиб дўст бўлдим -
Келган меҳмон сенинг ўглинг бўлади...
Ундай дема, энажон, айб бўлади,
Эшитса, кўнглига оғир олади...

Алпомиш Қоражоннинг меҳмони бўлиб ётди, Қоражон қилди зиёфатди. Эртаси тонг отди. Кун чошгоҳ бўлганда, Алпомиш туриб айтди: "Қоражон, бизнинг бунда келиб ётганимизни Бойсариникига бориб айтсанг. Барчининг ҳам аҳолини билиб келсанг." Қоражон айтди: "Мен қандай от миниб борайин?" Алпомиш айтди: "Бойчиборни. Шунда менинг келганимга кўпрак ишонишади."

Қоражон Бойчиборни миниб йўлга тушди. Бу вақтда Барчиний безовта бўлиб ўтирар, йўлга қарар, "Тушим тadbирга тўғри келмадими? Файридин бўлиб ўламанми?"

Шунда Сўқур каниз кўрдик, Чилбир чўлида Бойчиборни минган биров келаётир - биров, лекин Алпомиш эмас. Бу ҳолдан йиғлаб юборди:

- Бойсун элдан бобонг ўғли келибди,
Тўқсон алпинг зўрига дуч бўлибди,
Армон билан Алпомишбек ўлибди,
Минган оти ўлжа бўлиб қолибди,
Турангди отини душман минибди...

Барчин ҳам Бойчиборни минган суворини кўриб, фарёд чекиб юборди:

- Энди менинг ширин жоним керакмас,
Молу мулку, хону моним керакмас,
Фасли баҳор - гулистоним керакмас,
Бору йўғу жон-жаҳоним керакмас...

Қоражон ўзига таниш бахтал ўтовга етиб келиб, отдан тушмай сўради:

- Фамли қуллар ўйлайдиган ўйдами?
Алп қизи бор Бойсарибой ўйдами?
Барчин қора уйдан чиқиб айтди:

- Ўлжа қилиб миниб келсан човқар-кўк,
Ғолиблиқда минганларга кўнғил тўқ,
Сўраганинг Бойсарибой ўйда йўқ,
Фамли қуллар ўйлайдиган ўйдадир...

Қоражон айтди: "Отанг бўлмаса, ўзинг билан ҳам гаплаша берамиз". Сўнгра сўзида давом этди:

- Дўстимнинг отидир мунга Бойчибор,
Дўстим учун бўлиб келдим хизматкор.
Хар на сўзинг бўлса, бизга айтиббер,
Сўзингни оборар Қоражон номдор...

Барчин ҳамма гапни тушунди. Аммо нима қилсин? Алпомиш кепти деб, унинг этагидан ушлаб кетаберсинми ҳозир? Кўп номардлик бўлади. У ёқда тўқсон алп кутиб турибди.

Филология фанлари номзоди
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади



БИЗ ЎЗИМИЗНИ ФАРЗАНДАРИМИЗДА ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Қадимдан аҳолининг ўсиши, насл қолдириши оилага боғлиқ бўлиб келган. Давлатлар, салтанатлар салоҳияти эса аҳоли сони билан баҳоланган. Аҳолини рўйхатга олиш эраимиздан олдин Греция заминидан бошланган бўлиб, ўша даврлардан то бизнинг асримизгача инсоният учун "оилани режалаштириш" жумласи бутунлай ёт бўлиб келди.

1960-1990 йилларда аҳолининг тарихда қайд этилмаган юқори даражада ўсиши кузатилди. Ҳозирги кунда 6 млрд бўлган инсоният ҳар секундада 3 кишига қўпаймоқда.

1990 йилларда йиллик ўсиш 90-100 миллион кишини ташкил этди, яъни бу Шарқий Европа ёки Марказий Америка аҳолисига тенг.

Аҳолишунос олимларнинг тадқиқотларига кўра дунё аҳолисининг ўсиши шу даражада кетаверса, 2010 йилга бориб, натижавий кўрсаткич 15 млрд.га етар экан. Шу сабабли "XXI асрга бориб ер юзи аҳолисини боқиб энг катта муаммога айланади", - деб ёзаётган чет эл матбуотининг ташвишланиши бежиз эмас.

Ушбу муаммони оқилона ҳал этиш учун бир қанча халқроқ мутасадди ташкилотлар тузилган. Уларнинг фаолияти шундан иборатки, аҳолиси халдан ташқари кўп бўлган ёки табиий ўсиши юқори даражада сақланаётган давлатларда аҳолиси сонининг ўсишини мувофиқлаштириш учун ушбу давлатларнинг ўзига хос иқтисодий-ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг Миллий дастурларини ишлаб чиқишларига ёрдам беришдан иборатдир.

Аҳоли сонини мувофиқлаштириш-табиий ўсишининг негизи бўлган оиладан бошланиб, уни бошқаришда икки хил йўл тутилади. Масалан, аҳолиси бўйича дунёда биринчи ва иккинчи ўринда турувчи Хитой (1 млрд.250 млн) ва Ҳиндистонда (930 млн.) давлат томонидан туғилишини тартибга солиш сиёсати амалга оширилмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифок даврида Ўрта Осиё деб юритил-

ган бизнинг регионда туғилиш ва ўлим даражаси бошқа республикаларга нисбатан юқори бўлган. Ўз истиқлол йўлини танлаб олган Ўзбекистон ҳозирги табиий экологик вазиятларни ҳисобга олган ҳолда:

"Ҳамма учун маъқул, сифатли табиий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш" - каби қарорлар ижросига киришилдики, бу "соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади" деган ҳақиқатнинг ижобатидир.

Буни ҳозирги кунда мутахассислар томонидан тавсия этилаётган, оилани режалашнинг иккинчи "оқилона" йўлини танлаш орқали амалга ошириш мумкин. Маълумки, ўзбек оилаларида анъана бўйича "бола қанча кўп бўлса, шунча яхши" ёки эътиқоддан келиб чиққан ҳолда, "Худо қанча ва нима берса (ўғлими, қизми) ризки билан беради", - деган тушунча ҳукмрон. Кўп болалик, болажонлик бизнинг миллий қадриятларимиздан бири. Шунингдек, оилада қанча фарзанд бўлиши ҳар бир оиланинг хусусий иши. Лекин, ҳаммамизнинг асосий мақсадимиз, ҳаёт мазмунимиз-келажакимиз пойдеворлари бўлмиш фарзандларимизнинг соғлом туғилиши ва ўсишидир.

"Биз кўп нарсаларни кутиб туришимиз мумкин ва лозим. Аммо, бола кутиб туролмайди. Айни пайт унинг қадди-қомати шаклланаётган, томиридаги қони оқа бошлаган, ақли тўлишиб бораётган палла. Биз унга эртага бир нарса дея олаймиз. Унинг исми бугун", - деган экан Габриэла Мистрал.

1971 йилда Мароккода "Ислом ва оилани режалаштириш" мавзусида илк бор халқроқ конференция ўтказилди. Ўша кундан олинган фатвонинг натижаси ўлароқ, ҳозирги кунгача 20 та араб давлатларининг 15 таси, Индонезия, Туркия, Покистон, Эрон, Бангладеш каби муслмон давлатлари халқроқ оилани режалаштириш уюшмасига аъзо бўлиб кирди.

Таассуфки, уламоларнинг: дунёга келган фарзанднинг соғлом ўсиши учун она сути билан боқиб, дастлабки чақалоқнинг "сут" ҳақи иккинчисига ўтиб кетмаслиги ва уларнинг туғилиш муддати оралиғига риоя қилиш кераклиги ҳақида Куръонда йўл кўрсатилган дейишлари бежиз эмас. Масалан, 2-сура 233-оятда "... Аналар, ўз фарзандларини кўкрак сути билан тўлиқ икки йил боқадилар... Уларни (яъни оналарни) яхшилик билан едириб-қийдириш отанинг зиммасидадир... Ота-Она ҳам боласи сабабдан зарар тортмасин..." ва 46-сура 15-оятда, "...ҳомиладор бўлиш, уни суддан ажратиб муддати ўттиз ойидир...", - деб ёзилган калималар юқоридagi фикрлар тасдиғидир.

Республикамизда оналар ўртасидаги касаллик ва ўлимнинг юқорилиги, болаларнинг чала туғилиши, перинтал касаллигининг кўпаяётгани боис, 1991 йилдан бошлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан: "туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари", минтақавий дастури амалга оширила бошланди.

Амалда бу - оилани оқилона режалаштириш дастури бўлиб, у экстрагенитал касалликлари бўлган аёлларда кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олишга, уларни соғломлаштириш, туркурган ўртасидаги муддатни 3 йилга узайтириш ва абортларни кескин камайтиришга қаратилган.

Дарвоқе, кўп фарзандлик бўлиши ҳеч қим таъдиқламайди, мақсадимиз - ҳар бир оилада она соғлом бўлсин, фарзандлар соғ-саломат дунёга келсин. Улар баркамол инсонлар бўлиб, ўзлимиз уларда давом этсин.

Раҳмон МАДҒОЙИБОВ,
ТошДУ қошидаги "Ўзбек Миллий қадриятлари илмий-тадқиқот маркази" илмий ходими,
Қозим МУҲАММЕДОВ,
Тиббиёт фанлари номзоди

НОР БОБОНИНГ ИЛИНЖИ...

Ҳар гал онам уй тўридаги тахмонда турган эски сандиқларни очиб ичидаги сарпаларни шамоллатгани ёйганларида оппоқ рўмолга туғилган гуручларни кўриб хайрон бўлардим. Бу нарсага кўпам аҳамият бермасдим. Очиғини айтсам, турли кийимликлар сақланадиган сандиқ ичида рўмолга туғилган бу гуручлар нима учун туришини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Лекин...

Қишинг қаҳратон кунларининг бириси анчадан буён касал ётган кўшинимиз Нор бобонинг аҳоли оғирлашибди деган гап тарқалди. У кишининг кенжа ўғли армиядан қайтган ва шофёрликка ўқиб юрарди. Совуқ изиллаган кунларда ана шу Нор бобонинг уйда тўй тараддуди бошланди. Улар Бодом холангиз қизи Лобарларникига совчиликка бориб икки томонда ҳам тўй ҳаракати бошланган эди. Қишда кўпчилик бекор бўлади. Қишлоқдошларимиз ҳа деса Нор бобонинг уйига чиқишар, тўй олдида буладиган юмушларга қарашар эдилар. Онам пекчага ўтин қалар эканлар: "Вой бечоралар-ей, шу совуқда тўй қилишмаса нима бўларди. Бундай кунларда тўй қилишини ўзи бўладими?" - дея ачинарди.

Танчада эски китобларни арақлаб

ўтирган отам эса онамга эътироз билдириб "Ия, сен ҳали Нор бобонинг нимага илҳақ бўлаётганини билмайсанми? Бешта фарзандининг тўйини кўрган қишлоқдошимиз кенжасининг тўйини ҳам кўришга, шукрона ошини ейишга илҳақ бўлаётган кўринади" - деди ўйчанлик билан. Онамининг ёнида овқат тайёрлашга ёрдамлашиб юрарканман буларни эшитиб ажабландим. Охири отамнинг ёнига келиб сўрадим:

- Отажон шукрона ошини нима дегани?

- У жуда табаррук таом, болам. Бунга етган ҳам, етмаган ҳам бор. Одатда фарзандларнинг ҳар бирининг тўйидан тўй ошисигача аталган гуручлардан оз-оздан олиб қўйилади. Энг кенжа фарзандни уйлантириб ёки турмушга берганидан сўнг ўша гуручларнинг ҳаммасини аралаштириб ош дамланади. Бунинг маъноси шундайки, ҳар бир фарзанднинг тўйини ўтказиш эзгу ниятига етганлар уни шукрона оши дейишади. Еш фарзандлари бор одамлар бу кунларга етиш истагидан эзгу ният қилишиб бу ошлардан бир чўқим бўлса ҳам ейишни орзу қилишган. Қишлоқдошимиз Нор бобо ҳам доимо шундай ният билан юрарди. Дарди оғирла-

шиб касалхонадан уйига жавоб бериб юборишгани энди у кишига муолажанинг фойдаси йўқ дейишгани бўлса керак. Лекин, ҳали кенжа ўғлини уйлантирмагани боис у шўрлик дунёдан умид узолмапти. Ахир дунёнинг тақдири азал белгиланган ўз тошу тарозиси бор-да, - деди.

Орадан бир ҳафта ўтгач Нор бобоникда дабдабали тўй бўлиб ўтди. Чалларидан сўнг бобонинг кампири ўша ҳамма орзулайдиган шукрона ошини дамлаб қўшинларини чақирди. Отам ҳам бориб келди. Кейин онамга қараб: "Нор бобонинг рангларига қизиллик инибди. Кўзлари чақнайди. Биноийдек ҳамма билан гаплашиб ошдан еди. Яратганга шундай кунларга етказгани учун қайта-қайта шукроналар қилди. Назаримда бу шамнинг сўниши олдидаги ёрқин шуъласига ўхшайди. Илоҳим умри узун бўлсин-да..." - деди. Бирок...! Тонг сахарда кунни кеча уйланган Аҳмаджон ака дарвозамизни тақиллатди. Ўша кунни ҳамма меҳмонлар тарқалгач, отаси Нор бобо тун ярмида оламдан ўтган экан. Бу воқеага ҳам анча бўлди. Мен бўлсам ҳеч унута олмаيمان. Лекин, бундай табаррук таом ҳақида бошқалардан эшитганим йўқ. Шунинг билан

бу ош кўпчиликка ҳам насиб этавермас экан. Орадан йиллар ўтиб кенжа укани ҳам уйлантирдик. Энг сўнгги меҳмонларни кузатгач, онам сандиқдаги ҳаммамизнинг тўйларимиздан йилгилан гуручларни солиб ош дамладилар. Ҳаммамиз жамулжам бўлиб йиғилиб шу ошдан едик. Отам: "Болаларим, бу ошни яхши ният қилиб енглар, Оллоҳ сизларни ҳам биздек мана шундай шукрона ошни тановул этишга етказсин" - дедилар. Пайти келиб ота-она бўлган пайтимизда ўзимиз ҳам тўйлардан гуруч олиб бир-бирига қўшиб йиғиб қўямиз. Фарзандларининг барчасини тўйини кўрган ака-опаларимиз эса бизларни шукрона ошларига тақлиф қилдилар. Биз ҳали унча билмаган кўхна дунёда оддий нарсаларда ҳам эзгулик борлигидан хайратга тушаман. "Тўйлар тўйга қўшилсин", - дея шундай удумларни келтириб чиқарган аждодларимизнинг доноликларига таъзим қиламан. Момоларимиз асраб авайлаган кўхна сандиқларидаги сирларини билишга интилавераман. Аслида кенжа аждодларимиз яшаб ўтган дунёдаги ҳар бир эзгуликда бир сир бордай туюлаверади менга.

Басира САЙИД АЛИ

ХИЁНАТ ҲАМ ҲАММА

Оиланинг мустақамлиги ҳақида гап-рап эканмиз, уни барбод этадиган омилга ҳам эътибор беришимиз лозим. Темирни зағф эмригандек оилани хиёнат барбод этади. Ҳуш, хиёнат қаерда пайдо бўлиб, қаерда маъна этилади? Менимча, оилада хиёнатнинг бошланишига асос-ўзаро муҳаббатнинг йўқлиги ҳамда оила аъзоларининг ҳаё ва ному су даражаларига боғлиқлигида. Шу ўринда чинакам инсоний муҳаббат бирор ҳиссий қайсарлик ёки юракнинг бирор инжиқлигигагина эмас, балки фақат ўзаро инсоний қадр-қиммат, ҳурмат-иззатга асосланган эҳтирсодан иборат бўлмоқдигани таъкидлаш жоиз. Демак, оилада хиёнат бўлмаслиги учун энг аввал эр-хотиннинг ўзаро ҳурмати, қадри бўлмоғи шартдир. Зеро оила курувчилар маънавий яқинлик асосида, маънавий тенглик устида бирлашсалар орага хиёнат сўқилиб кира олмайдди. Менга таъсир этадиган омилардан бири, матбуотда, асарларда кўпинча аёллар хиёнати ҳақида гапирилади, уларни халқ ичида "енгилтак аёллар", "суоқоқлар", "фоҳишалар" дея таҳқир қилишади. Бироқ, бу аёллар ўзларининг енгилтак савий-ҳаракатларини эркаклар билан амалга оширишларига неғадир кўпинча напосанд қараймиз. Агар эркак ному сули, ҳаёли бўлса, аёл нопок ишини амалга ошира олмаслигига ақлимиз етмайди? Еки қанча фоҳиша аёл бўлса шунча бузуқ эркак ҳам бўлишигини, тан олгимиз келмайдими? Кунлардан бир кун мутафаккир Бастомийдан шогирдлари устоз ва шогирдининг ҳақлари ҳақида сўраганларига шогирдлардан бирини мактуб ила турк султони сузурига юборибдилар. Шогирдини ҳулрон яхши кутиб олиб, унинг хизматига хушрўй, сарвқат бир жувонни қўйди. Шо-

гирдининг нафси устун келиб жувонни сочларидан силамоқчи бўлганида ғойибдан "торт қўлингчи" деган нидо келибди. Шогирд устози олдиға қайтқач, ахлоқсизлиги учун узор сўраганда Бастомий ҳазратлари шогирдининг устоз олдиғиди бурчи хар бир топшириқни аъло бахариш, устознинг шогирд олдиғиди масъулияти эса уни ёмонликлардан сақлаш. Зотан, иккимиз ҳам ўз вазирамизни адо этдик, деган эканлар. Демак хиёнат бошланиши ному суслик бўлиб, атрофимиздагилардан таниш-билишлардан номаъқул ишимиз учун уялмаслигимиздир. Биз эркаклар ўз ҳою-ҳавасимизни

МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУШОҲАДА

қондирини учун барча воситалардан-мансабимиздан, давлатимиздан, турли имкониятлардан фойдаланамиз. Нафсимизни қондиргунча икки жаҳонни ваъда қиламиз, мақсад амалга ошган аёлни енгилтакликда айблаимиз. Мени жahlими чиқарадиган ишлардан яна бири шуки, қанча-қанча хиёнатлардан сўнг бирорта ҳам эркакнинг заррача пушаймон бўлганини билмайман. Бўлиб ўтган ишдан аёл уялиб, қийналиб ва кўз ёш тўкиб юрсада, илло эркак ҳеч нарса бўлмагандек юравериши эса хиёнатнинг энг манфур кўринишидир. Шу ўринда машҳур олим Публилий Сирнинг "Кимки ўз қилмишидан уялмаса, у икки қарра айбдордир", - деган ҳикматли сўзига мутлоқ қўшиламан. Юқорида хиёнатнинг келиб чиқиш сабабларидан бири оила аъзоларининг маънавий даражалариди тафовут эканлигини қайд этиб ўтган эдим. Зотан эр ва хотин бир-бирларига тан маҳрам бўладилар. Узгалар эса буларга нисбатан номаҳрам ҳукмида бўладилар. Бу сўзларнинг ўзағида "ҳаром" сўзи. Яъни "мумкин эмас" деган сўз этибди.

Билъакс эр-хотин учун ўзаро алоқа, муомала учун ҳамма восита мумкин, бегоналар билан эса бундай мулоқотда бўлиш асло мумкин эмас, яъни ҳаром этилган. Шарқона ахлоқ ўлчамларидаги мана шу нукталарни англаш оила маънавиятининг асоси бўлиб, оилада хиёнат қилишдан сақлайди.

Кейинги пайтларда ўз замонавийлигимизни қайд этмоқчи бўлсак азалий қон-қонимизга синган, одатимизга айланиб кетган шарқона ахлоқ ўлчамларидан воз кечишга уриндик. Назаримда "ҳалол" ва "ҳаром" тушунчаларини лугатимиздан чиқариб ташлашга уринганимиз

сари "мумкин" ва "мумкин эмас" тушунчалари ҳам ўзаро қоришиб кета бошлади. Натижада ахлоқ сийқалашиб оила деб аталмиш улкан тахтининг вафо, садоқат устунлари қимирлай бошлади. Энг даҳшатлиги бу жараён-фарзандлар кўзи олдида, гувоҳлигига содир бўла бошлади. Энди фарзандлар олдидаги ҳурматимиз ҳам сийқалашди. Эсингизда бўлса, Кумуш Отабекка меҳр қўйғач, у ҳақда ҳеч кимга узаги очмайди. Уни айнан шу Отабекка узатишадиганидан бехабар, қалбига муҳаббат фироқи тўла, кўзлари лим-лим ёш ила чимилдиққа қиради. Қизиқ ҳолат. Ота-онасини ҳурмат қилганидан тўйга розилик билдиради. Муҳаббати софлигидан куёвға қайрилиб қарашга ҳам ботинмайди. Бироқ чимилдиқда Отабекка кўзи тушган "Сиз ўшамиз" - дея шодлигини изҳор этади. Бизнинг даврда кўп ёшлар бир томондан ота-она майлига рози бўлмаса, иккинчи томондан ўз муҳаббатининг софлиги учун ҳам курашмайди. Муҳаббатни оғиз ила ифодалаш, мақтаниш, кўз-кўз қилиш одат тусига айланган бораётти. Бу ҳол эса ўша мурғак қалб-

лардаги илк муҳаббатга хиёнат қилиш билан бирга Тоҳир-Зухра, Лайли-Махнун муҳаббатларига напосандлик билан қарашга олиб келаяпти. Натижада берилган ваъдага вафосизлик хиёнатга етаклаб, хиёнат эса оддий ҳолға айлана боляпти. Шунданмикин баъзан севиб туриб "дунёда муҳаббатнинг борлигига ишонмайман" - дейдиганларга ҳам дуч келаямиз. Ҳолбуки дунёда муҳаббат ҳам, унга бўлган вафо, садоқат ҳам бор. Оила ана шу муҳаббат билан бошланиб, вафо-садоқат ила йўғрилса, бу оилада дунёға келган фарзандлар қомил инсонлар бўлмоқликларига асло шак-шубҳа йўқ.

Оилада хиёнат бўлмаслиги учун энг аввал оилада ёлгон гапга ўрин қолмаслиги керак. Ёлгон аралашган маконда садоқат заиф бўлиб, вафо охирик қилади. Шу билан бирга қаноат ва сабр ҳамроҳимиз бўлса толиқдан руҳимизга оромни оила ташқарисидан қидириб юрмаймиз.

Бейхитёр "эркакларда тўққиз ақл, бир нафс, аёлларда эса тўққиз нафс ва бир ақл мавжуд", - деган ибора қўлоққа қалиниб қолади. Мен бу ибораға ҳам қўшилимайман. Зотан тобеилардан бўлган Ҳасан Басрий раҳматуллоҳ ўз замондошлари Робия бини Адвияға совчи бўлиб борадилар. Шунда Робия (разиллоху анҳа) Ҳасан Басрийға "айтингчи, инсонда нечта нафсу, нечта ақл бор?" - дея мурожаат қиладилар.

Шунда Ҳасан Басрий Юқоридиғи фикрни тақоррайдилар. Робия эса: "Битта ақлим билан тўққизта нафсимга бас келаятганимда нечун Сиз тўққизта ақлингиз билан битта нафсингизга бас кела олайсиз?" - дея мулазм қилган эканлар. Қиссадан ҳисса шуки, биз эркаклар аёлларға нисбатан нафсимизға мойилроқ эканмиз. Шундай эса хиёнатни бартараф этишининг энг асосий шарти эркаклардаги ҳирсға қарши ўлароқ улардаги соф муҳаббат эҳтирсини парвариш этиб, оиласи олдидаги масъулият ҳиссини қучайтирмоқ лозим.

Ҳамдам ТҮЙЧИВ

Файзулло! Сизға мактуб орқали мурожаат қилиш ниятим йўқ эди. Мен сизға эмас фарзандингиз тақдирини ачинаман. Чунки у сизни ўйламай қилган ишингиз учун тор жойда яшашга, ўз тенгдошлари қатори уйнаб-қулмасдан оламдаги барча шодликлардан бенаисиб яшашға мажбур. Ҳозир унга ота меҳрининг жуда-жуда зарурлигини ҳис этиб шуларни ёзишға жазм этдим.

Ўзингиз билан гаплашиб, инсоф сари ҳидоят тўғри йўлга бошлаш умидим бор эди. Лекин ҳаётда сиз-у биз яшаётган замонда инсон қадрини, оила шаврини муқаддас деб билмаган, англамаганлар тез-тез учраб туради.

Шунинг учун Сиз орқали аёли-ю, фарзандларини оёқ ости қилиб юрганларға зора инсоф берармикан, деган умидда очик хат ёзишға қарор қилдим.

Сиз Маҳбубани Ташкентта узоқ вилоятдан олиб келгансиз. Отаналарингиз хоҳиши билан тўй қилиб, оила қурганингизға ҳам 9 йил бўлибди. 2 та фарзанднинг отасисиз. Шу ўринда Сизға бир савол:

Сиз ўз масъулиятингизни англаб ота бўлдингизми, ё...?

Оилани денгизда кетаётган кемага, оила бошлигини эса кема дарғасига ўхшатишади. Кеманинг денгиз тўфонларидан (ҳаёт машаққатларидан) эсон-омон талофатсиз ўтиши кема дарғасининг оқил-донолиги, идрокига, сергаклиги-ю ва нечоғлик ҳаёт тажрибасига боғлиқ.

Назаримда Сиз ҳеч қачон уқуви йўқ дарғаға ўхшайсиз. Кеманингиз сиз билан бирга кетаётган инсонлар тақдирини (ҳатто ўзингиздан кейинги келадиган етти авлодингиз олдида ҳам) масъул эканлигингизни англамайсиз ҳам.

Кеманингиз эса денгиз ихтиёрига ташлаб қўйилган. Унда нега кемага миндингиз-у, нега дарғалик мундирини кийиб олдингиз? Сизнинг қўлингизда аниқ манзилни белгилаб, чиқиб қўйилган карта йўқ. Сиз кеманингизни-оиланингизни қандай йўл билан, қайси манзилға олиб кетяпсиз, ўзингиз ҳам билмайсиз.

Оила муқаддас қоша. Ҳеч ўйлаб қўрганмисиз, нима учун оила муқаддас ҳисобланади? Нима учун икки ёшнинг бирга бўлиши учун никоҳ ўқийдилар? Чунки Сиз қўрган оила - Оллоҳнинг розилиги билан қўрилган, никоҳ эса Оллоҳни ўртаға қўйиб, ана шу ишга унинг розилигини олиш учун ўқилади. Ана шунинг учун ҳам оила муқаддас.

Файзулло! Одам бўлиб туғилиш осон экан. Мана, атрофингизға бир қаранг: ҳаммаси бир-бириға ўхшаш-қўли, оёқли, қўли, эшитадиган, гапирга оладиган одамлар. Бирга ўшаймиш, бирга ишлаймиш. Лекин инсон бўлиб туғилган билан, ҳамма ҳам тўла маънода инсон бўлиб яшай олмас экан.

Ҳақиқий инсон бўлиб яшаш ноҳиятда қийин, мушкул иш экан. Аслида бизни бошқа махлуқлардан ажратиб турадиган фарқимиз - тафаккуримиз, онги-

миз бўлиб, илоҳий муҳаббатни - Оллоҳни ҳис эта билишимиздир. Биз буни юракдан ҳис эта олмаимиз, худо наздида оддий махлуқмиш, ҳоло!

Уша илоҳий муҳаббатнинг кичкинагина бир қисмини атрофдагиларимизга - хоҳ таниш, хоҳ нотаниш, дўст-у ёр, ота-она, боза-чақа, биродарларимизга, жиғарларимизга саховат билан улашиб туришимиз инсонийликнинг бир дебючаси экан, ҳоло.

Назаримда, Сиз бу жиҳатдан ҳам ўта қизганчқ одамға ўшайсиз. Мен Сизнинг қалбингизда илоҳий муҳаббат - Оллоҳ йўқ деб айта олмаيمان. Бу неъмат бизнинг ҳар биримизда бор. Масала фақат ўша илоҳий тўйғунни ҳис эта билишда, уни ташқарига олиб чиқишимизда!

Сиз қалбингизда илоҳий тўйғу борлигини ўзингиз ҳам билмайсиз. Уни ташқарига чиқаришға эса гурурингиз, аниқроқ қилиб айт-

Бу кетишда, эртаға мактабға чиқса, ҳар томонлама тенгдошларидан орқада қолиши табиий. Оиланингиздаги муҳит болани руҳдан эзиб қўйган. Боланингизнинг келажаги учун ким жавоб беради?

Ҳадисларда айтилишича, гуноҳ ишлар Оллоҳнинг қўриқхонаси бўлиб, унинг атрофида юрганлар билмай унинг ичига кириб қолиши мумкин экан.

Сиз ичига киришга кирдингиз-у, лекин қандай чиқиб кетишни ўйламайсиз... унинг ичида абадий қолиб кетгандайсиз.

Оиланингизни ҳўрлаб қўйганингизни ўзингиз англаб етаяпсизми? Хотинингиз ҳам, болаларингиз ҳам камқонлиқдан ранг кўр, ҳол сўр бўлиб юришимиз. Ахир уларни таъминлашға, яхши едиришға қурбонгиз келадик-ку! Фақат пулни ҳаром ишларға эмас: ҳалолға сарфлаш керак ва ҳалол юриш керак, ана ўшанда ўзингизға фойза-барақа қиради.

Ҳўш энди нима қиламиз? Қачонгача умримизни гуноҳ ишларға сарфлаймиз? Охири, чек-чегараси борми? Е фақат ўлим келганда бу ишларға нуқта қўйиладимми? Сизға ўхшаб, қақку қушдек, "у ёқдан бу ёққа" учиб юрганлар,

аёлининг ҳаётини, орзу-умидларини паймол қилиб юрганлар талайгина. Фақат улар кези келганда неғадир жуда ҳам осонлик билан ажрашиб кета оладилар, ҳар ойда алимент тўлаб турсам бўлди, деб ўйлайдилар.

Бу йил аёллар йили. Фурсатдан фойдаланиб Сизға ўхшаган уқувсиз дарғалар кўпайиб кетмаслиги учун, қолаверса, жамиятимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизнинг кўнгиллари ярим бўлиб қолмаслиги, маънан соф-саломат ўсишлари учун Оила ва Никоҳ кодексиға айрим ўзгартришлар киритилишини хоҳлардим.

Чет элларда никоҳ ким томонидан, кимнинг айби билан бузиладиган бўлса, ким маънавий зарар қўрган бўлса, хоҳ эркакми, хоҳ аёл ўша шахсға нисбатан қаттиқ чора қўрилар экан, яъни ниҳоятда катта миқдорда маънавий зарарни қоплаш учун пул тўлашар, бор бўйликлари жабрланувчи томонға ўтиб кетар экан. Бундан ташқари, бир томон розилик бермаса, никоҳ бекор қилинмас экан.

Мана шундай ҳолларда бизда ҳам қаттиқ чора қўришға, фақат болаларига алимент тўлаб қутулиш эмас, етказган маънавий зарари учун ҳам катта миқдорда пул ундириш, балки Сизға ўхшаган зулмуқорлар о бўлса-да, қамаврдиқи? Оила-ҳақиқатан ҳам муқаддас қоша бўлиб қолади?

Уйланиш, турмуш қуришдан олдин қонун олдида ҳаммамиз бир "сергақлиб" оларимизми? Мен Сизға ана шу мактубни ёзаяман-у, қўнглимда худди Сиз ақл-хушингизни таниб олаётгандай, қилган ишларингиз нақадар ёмонлигини англаб етгандайсиз. Агар акси бўлса-чи?

Юлдуз АМИРЖОНОВА,
"Соғлом авлод учун"
журнали ходими

АЙРОН ОШ БУЛМАС... НОДОН БОШ ДУГОНАМНИНГ УМР ЙЎЛДОШИГА ОЧИК ХАТ

ганда сиз униб-ўсган муҳитда шакланган жоҳиллигингиз йўл қўймайди.

Шунинг учун ҳам Сиз ўз хотинингиздан, фарзандингиздан ўз муҳаббатингизни қизандингиз. Меҳр-муҳаббат, саховат билан яшаш Сиз учун оғир. Шунинг учун ҳам мен Сизни қизгангансиз деяпман.

Қизганчқ бўлганингиз учун ҳам Сиз қалбингизда ташқарига қараб интиломоқчи бўлган муҳаббатни кўра билмадингиз, уни гурур-жоҳиллик деб аталган тўғон билан тўсиб қўйдингиз ва ниҳоят уни хиёнат ботқоғига ботирдингиз. Аёлингизға яхши фель-аурурингиз билан муҳаббатингизни ошқор қилишға гурурингиз йўл қўймаган бўлса, жоҳиллигингиз эса бир енгилтак аёли деб ҳалол, пок оиланинг эмирилшиға олиб келди.

Энг ачинарлиси, фарзандларингизнинг янчили аҳволи. Ўз ўғлингизни маънавий нобуд қилаяпсиз. Унинг дудуқлини қолдишға Сиз сабабчисиз. Янги туғилган чақоқ билан ҳаммани 1 хоналик уйға тикиб қўйдингиз. Фарзандингизнинг инсон сифатида ривожланиши учун ҳеч қандай шароит йўқ. На телевизор, на китоб, на дафтар, ўйнаши учун на бирор бир ўйинчоқ. Агар ўғлингиз ботқоғида ҳеч бўлмаса болалар даврасига қўшилари, мўзика тингларди, ашула айтарди, рақс тушарди, расм чизарди. Бечора, ҳеч бўлмаганда шу нарсалардан маҳрум бўлмаса нима қиларди?

Янги йил кезларида бутун Тошкент бўйлаб ниҳоятда чиройли арча байрамлари бўлади. Ҳатто, ота-онаси йўқ етим болалар ҳам бу томошалардан бебахра қолганлари йўқ. Сизнинг ўғлингиз-чи? Ота-она меҳрига зор етим десак, ота-онаси бор-у, лекин меҳр-эътиборға зор.

У оиладаги маънавий инқироз, руҳий қийинчиликлардан бошқа нарсани билмай қолди. Шунинг учун ўғлингиз ҳам атрофға бекфарқ.

"Тақдирим қил устуда" - 40-сон

ЭСЛАТМА: "Мен ҳатто ёшлигимда ҳам шўхлик, шодонлик қилишга кўрқардим. Бунга отамнинг кўпи ичиси, сал нарсага онам билан жанжал қилиши сабаб бўлар эди. Вояга етгач бир йил билан шевишиб қолдим. У ҳам мени севади. Аммо, унинг баобрў ота-оналари "Отаси арокўр экан", дея мени ўғлига олиб беришдан воз кечинди. Лекин, йилгит қочиб кетишни тақлиф қилди. Мен бўлсам онамни, укаларимни ўйлайман. Нима қилишга ҳам хайронман. Нима қилсам экан."

ДУНЁ ЯХШИЛИКЛАРГА ТЎЛА

Ҳурматли Умида опа, сиздан кичкина бўлсам ҳам ўз фикрларимни билдиришга жазм этдим.

Сиз ҳозир Оллоҳ синовлари давридан ўтаябсиз. Ҳа, ҳаёт машақатлар, азоб укубату, изтироблардан иборат. Агар ҳаёт фақат севги муҳаббат, хурсандчиликлардан иборат бўлганда, унда ҳаётни қизиги қолмасди. Зерикарли бўлиб қоларди.

Гап-сўзларингиздан фаросатли қизга ўхшайсиз. Уйда онангиз касалманд, отангиз шундай оғир аҳволда, укаларингиз ҳам бор экан. Ҳаммасини акангизга ташлаб Азиз акангиз билан кетиб қолсангиз бу инсофдан бўлмайди. Ўзингиз айтганингиздек онангиз, укаларингиз, акангиз, қўни-қўшиларингиз кўзига қандай қарайсиз. Ахир бизни ўзбек қизларига уйдан касалманд онасини ташлаб севгани билан қочиб кетиш ярашади.

Ундан кўра бу қийинчиликларни оила аъзоларингиз билан бирга енгиб, ҳаётда фақат ўзингизни эмас, ёнверингизда ҳам қора кўзлар бойлигини унутманг. Азиз акангизга бўлмаса, бошқасига кейинроқ турмушга чиқарсиз. Ахир, севги деб ўз жигарларингиздан кечмайсизку. Бундай оқибатсизлик қилиб, жигарларингиз юзига оёқ қўйиб кетишга ҳаққингиз йўқ. Чунки, сиз ҳали фақатгина бу дунёда эмас, нариги дунёда ҳам Оллоҳ олдида жавоб беришингиз керак. Муддаога келсак, сиз севгингиздан кечасиз ва онаҳонингизни акангиз билан даволатасиз.

Дил изҳорингизда отамни ота деб айтишга тилим бормаиди, унга нисбатан ички нафратим бор дебсиз. Минг қилганда ҳам у сизни отангиз, бундай гапларни ҳатто ичингизда айтишга ҳам ҳаққингиз йўқ. Чунки, у сизни дунёга келишингизда сабабчи бўлган инсон. Ота деган номи бор. Балки ўзим отамни жудаям яхши кўрганам учунми сизга шундай дегим келади. Агар отангиз мансабдор шахс бўлганда унга нисбатан ички нафратингиз бўлармиди? Ҳа, тўғри, отангиз ўз фарзандлари бахтига зомин бўляпти, лекин барибир у сизни отангиз. Бу Оллоҳ синовлари ақалигини ҳеч қачон унутманг.

Сиз ўйламанг, бу сўзларни ёзиш менга осон деб, мен ҳам шу йили ҳуқуқшунослик институтига кира олмадим, талабалик бахти менга насиб этмади, лекин мен тушунликка тушмадим, дилимда ҳали катта орзуларим бор. Ҳозирда бир йиллик молия коллежида ўқийман.

Дунё яхшиликларга тўла - зора сизни ҳам бахтли қиладиган, ўзингиз орзу қилган келинчалик оқ либосида, қизлик ифатингиз, обрў-эътиборингиз билан ўз уйига олиб кетадиган мард йилгит учраб, бахтингиз очилиб кетса. Азизжондаки йилгитлар йўқ эмас, сизни чин кўнгилдан севадиган йилгит ҳали сизни излаб келади.

Умида опа, кейинчалик виждонингиз қийналмасин деб сизга ушбу мактубимни битдим. Тўғри, бу сўзларни ёзиш осон эмас, лекин ночора, Худойим сизга сабр-тоқат ато этсин.

Тошкент

Арофат ВАҲОБОВА

ҚАЛБИНГИЗГА ҚУЛОҚ СОЛИНГ

Умидаҳон, азиз сингилм. Сизни изтиробларингизни ўқиб қалб оғриқларини кўзгалди. Сизни гулдек умрингизга соя солаётган отангизга нафратим орди. Биласизми азизам, сизга нима демокиман. Сиз Азиз билан бирга кетманг, бу билан сиз ёлғиз суянчингизни, онангизни тирклийдан ўлдириб кетасиз. Азиз сизни севади, лекин севги муқаддас бўлса-да у қорин тўйдирмайди. Эрта бир кун Азиз сизга таъна қилмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Унутманг! Азиз сиз учун қўл етмас юлдуз. Айтилик, сиз унга турмушга чиқдингиз, аввалига бахтли яшайсиз, лекин бир кун келиб у сизга "ким эдингиз, ким бўлдингиз" деб айтиши мумкин. Агар сиз у билан бирга кетсангиз билинги сиз унга ҳеч қандай сўз айтиб ҳуқуқингизни талаб қилмайсиз, чунки у сизга "ўзинг ортимдан эргашиб келдингиз" деб таъна тошларини отиши мумкин. Яна ўзингиз биласиз. Мен ҳеч кимни севамаганман, балким шу сабабли мен шундай деб фикр юритаётгандирман. Лекин мен сизни дардингизни оғриқларини ўзимдан ўтказмаганман. Шу кунга қадар мана шу дард мени қийнайди. Сизни ёшингизда мен ҳам олий маълумот олиш истагиди ёнардим. Орзуларим камалак мисол товланарди. Бугун мен ҳаётга бошқа кўзлар билан қарайман.

Сиз каби мени ҳаётимга ҳам отам соя ташлайди. Мени тўғри тушунишларини истайман, отамдан шикоят қилётганим йўқ. Лекин уни ишлари мени ҳаётда ўз ўрнини топишимда катта бир тўсиқ бўлиб келмоқда. Бола ота-онасини ишларини муҳокама қилмайди, худди шундай улар учун жавоб бермайди.

Азиз сингилм Умидаҳон! Қалбингизга қулоқ солинг! Онангизни ўйланг! Сизни ҳар бир ишингиз унга ё малҳам ё дард бўлиб келади. Сизга бахтдан тахт тилаб, омаддан сеп тилаб қолувчи.

Тошкент

Б.

БОЙЛИК ЯХШИЛИКЛАРГА САРФ БЎЛСИН
"Ҳаётимдан жуда хурсандман" - 43-сон

Авалло "Оила ва жамият" газетаси том маънода оиламиз ва жамиятимиз тараққиётига, унинг ҳаётига ва ривожига, миллатимиз маънавиятининг ошишига салмоқли ҳисса қўшмоқда деган фикрдаман. Чунки, ҳар қандай миллат, элат ва ҳар қандай тузум ҳаракатда бўлмоғи лозим. Агар биз миллатимизнинг бошқа илгор миллатлар каби ривожини истасак, биз нафақат иқтисодий жиҳатдан балки маънавий жиҳатдан ҳам ривожлантиришимиз лозим. Миллатимиз, Худога шуқр, миллатларнинг бир гули. Лекин, шу гулга баъзи соялар тушган. Бу сояларнинг тушишига биз ўзимиз айбдормиз. Кўркимизни бузаётган, қўлимизни, онгимизни кишанлаётган бу соялар - баъзи ноўрин урф-одатларимиздир. Бу урф-одатларимиздан қутулмас эканмиз, ҳар қанча тараққиётга интилсак ҳам маънавий тубанлик қурбони бўлиб, қолаверамиз.

Ёшим 27 да. Уйланганман, 2 та ўғлим бор. Ўзим тадбиркорман. Хусусий фирмам бир қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар сармоёдорлари билан алоқада, ўзим дунёнинг деярли ярмини кўрдим. Француз, инглиз, немис, араб ва турк тилларини мукаммал биланман. Моддий жиҳатдан жуда яхши таъминланганман. "Лимузин" автомобиль билмасам ҳам, "Аврессед 600" автомобилим бор. 2 қаватли уйим, қўйинги, замонавий одам учун барча шартларга эгаман. Бу маълумотларни мен кўз-кўз қилиш учун ёзмадим. Бунги қўни-қўшиларим жуда яхши билишади.

Ўйлаб фикрлаб қўрайликчи, бу моддий бойликлар қанчалик кўп бўлмасин, амалларимиз қанчалик юқори бўлмасин, у ҳеч қачон вафо қилмайди. Бир неча сониялар ичиди ҳаммаси қул

бўлиши аниқ. Бу гаплар янгилик эмас албатта. Ҳазрати инсон яратилгандан буён буни амалда қўриб келаяпти.

Биз пулни қандай топишимиздан қатъий назар, қанча топишимиздан қатъий назар уни фақат яхшиликка ишлатишимиз керак ва шарт! Ёмонликни топиш осон (ҳозир айниқса) лекин, яхшиликни топиш бир оз мушкул. Атрофни биз боқинг, қанчадан-қанча яхшиликка, ширин сўзга муҳтожлар бор. Уларга ёрдам қилини чўзиш, барчага, катта-кичик, бой-камбағал барчага ҳам қарз, ҳам фарз! Ўзини моддий, маънавий жиҳатдан етук санаган зотлар бундай эзгуликка бош қўишлари нур устига аъло нур бўлур эди.

Юқориди айтганимдек, менда ҳамма нарса бор, Худога шуқр. Етишмовчилигим 2 та. Бу ҳам бўлса отам қазо қилганлар ва бандалигим туфайли оқизман.

Отамдан қолган маънавий мерос, яхшилик ва яна яхшилик қилиш. Имконим борича муҳтож қариндошларимга, қўшиларимга, танишларимга ва ишчиларимга ёрдам бераман.

Фирмамда, ёрдам бераётганимизни ҳеч ким билмаслиги керак. Шунда Сиз ўзингизни эл-юрт орасида ман-манликдан, ердимизгизга муҳтожларни эса хиҳолатдан асрайсиз. Бу ишингиз эвазига ҳеч нима кутмаслигингиз керак, ҳатто бир оғиз "рахмат" ҳам. Бу мен билган яхшиликларнинг бири. Буларнинг нима алоқаси бор дерсиз. У ҳолда бу ёғини эшитинг.

Бадавалт бўлсак ҳам тўйимиз жуда бошқача бўлди. Бўлгуси келиннинг отаси ҳам биздан ҳам эмас эди. Икки томон келишиб тўйни бир оз қисқартирдик. Олиқ-солиқлару ҳаммаси қолдирилиб, тўйга барабар пул ажратилди ва биргаликда ўтказдик. Шунда биз сингилмиз Б. ва укамиз Т. га ўхшаб бир кун мерсе-

десу лимузинларда сайр қилиб ЗАГСдан ўтмадик. ЗАГС маросими никоҳ кечаси ҳамманнинг гувоҳлигида ўтди. Маълумки, никоҳдан кейин яна бир дабдаба бор, у ҳам бўлса ўзбек аёлларининг "ким кўп ейишига" анъанавий мусобақаси, бошқача қилиб айтганда "чарлар" йўқ қилинди. Одамларнинг "вой курумсоғе" деган гапидан кўрқмадик. Тўйимизга 120 та меҳмон келди, яъни энг яқинлар. Тўйимиз шу қадар чиройли ўтдики, таърифлашга тил ожиз. Биздан ўрнак олиб, баъзи қариндошларимиз ва тўйиларимиз ҳам шундай тарзда тўй ўтказишди.

Тўйимиз ўтганига бор йўғи уч ярим йил бўлди. Бешик тўйи, ўғил тўйи, куёв қаҳирик, қуда чақириқлар йўқ қилинди. Ва бежиримгина қилиб ўзаро ўтказилди. Ҳозир эса эр-хотин бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз. Худога шуқр, хотиним шортиқат эмас, лозимда юради, бошида рўмол.

Сўз охирида, ёш бўлсам ҳам бир маслаҳат бермоқчиман. Бу гап фақат ўзбегимга тегишли. Эй миллатларингиз гули, ўйлаб иш қил! Тўю тантаналарингиз бежирим ўтказ! Токи кейинги авлод тушунликка тушмасин! Эл-юртга кўз-кўз қилишни тўхтат! Бошқа миллат вакилларига бир бок, уларнинг сендан ҳам жойи йўқ. Кейси миллат вакили эрталаб 4 да ошга боради! Ҳеч қайси! Аксинча, улар саломатлигини ўйлаб спорт билан шуғуллангани. Ҳаётинг мазмунини фақат тўй-тантанга боғлаб қўйма! Тўй бир кунда ўтади кетади, лекин йиллар мобайнида ер тирнаб топган пулингиз бир кунлик дабдабага эмас, кўпроқ сенинг ҳаётингга сарф бўлсин!

Эҳтиром ила шу миллатнинг содиқ фарзанди

Ш.

ОНА ЁМОНЛИКНИ РАВО КЎРМАЙДИ

"Мен кимга суянғум" - 24-сон

ЭСЛАТМА: "Бир кун отамнинг ўғайлигини билиб қолдим. Аммо, у мени ўз онамдан ҳам кўпроқ яхши кўради. Дадам менга кўп яхшилик қиладилару лекин, мен қандайдир бегоналик сезавераман. Хоразмлик бир йилгит билан танишиб қолдим. Лекин йилгитнинг узоқдан ақалигини билишган ота-онам унга беришмади. У йилгит ҳам ёлғиз экан. Мени уйдагилар ҳар нима бўлса ҳам яқинроқда бўлганинг яхши дейишди. Бу ҳам яхшидир балки лекин, менинг қалбимдаги севгим нима бўлади. Ахир мен ҳам ўз севганим билан турмуш қуришни истайманку..."

Ҳурматли Меҳринисоҳон! Дил изҳорингизни ўқиб, ёш бўлсам да бироз ранжидим, чунки қайси она ўз фарзандига ёмонликни раво кўради. "Онам фақат менга азоб берадилар" дебсиз. Йўқ, балки сиз ҳам уларни ранжитгандирсиз. Онангиз пухта ўйлаб, жуда тўғри иш қилар эканлар, чунки ёшлигингизда отангиз ташлаб кетганини ва бу ўғай ота ақалигини айтганлариди ёш қалбингиз ўқисангиз ва тушунамаган бўларди. Ҳозир эса сиз тушунадингиз ёшдасиз. Онангизни яна бир тўғри иш қилганлари, сизни ўша йилгитга бермаганларидир, чунки ҳаётда ҳар хил воқеалар, яхши-ёмон кунлар бўлади. Узоқ барибир узоқ-да. Меҳринисо, мен Турсунной Содикворнинг "Меҳр қолур" деган китобларида бир ҳикояни ўқигандим ва ҳамини шуни эсласам юрагим ларзага келади.

У ота-онасининг ёлғиз боласи эди. Ақли қиз бўлди. Институтига кириб, ўша ерда бошқа шаҳарлик йилгитга кўнгул бўлди. Ота-онасига у деди, бу деди охири кўндирди. Ота-она ҳам қаршилиқ қилмади. У Андижонга келин бўлди. Вақт ўтаркан, ота кексаётди, хасталаниб қолди. Қизи узоқ бўлишига қарамай тинмай қатнади, куёви ҳам монелик қилмади. Отани ҳатто Андижонга олиб келиб, астойдил даволатиб ҳам кетишди, бўлмади.

Сўнгра она билан ҳам шу ҳол ўз берди. Қиз бир кун ўз уйда бўлса, бир кун онасиникида бўларди. Чунки ёлғиз фарзанд

эмасми, кекса онага яна ким қарайди, фарзанди қарамаса. Кўчириб кетай деса она: "Қўй, бу ердан ота-онам, оға-иниларим ўтган, қолаверса отангни хоки шу ерда", - деб кўнмади. Охири қиз "Бир гап бўлса, албатта олиб келаман", -деган ваъда билан, онасини олиб кетди. Она икки йил жойидан жилмай ётди. Қизи чақалоққа қандай қараса, она-сига ҳам шундай қаради. Она ундан рози, бирор марта ҳам "Сени деб шу ерларда - юртимдан узоқларда ётибман", демеди...

Турсунной опа шу онахонни ҳаргал кўргани кирганларида, у доим "Биз томонларга борсанг ақали автобусда менинг кўчамдан ўтиб қўй, деворларимни, қўни-қўшиларимни остоналарини бўлса ҳам қўриб кел, жон болам", дер эканлар. Онахон ҳар бир янги баҳардан сўнг бир неча кун тетик ётар эканлар. Яна: "Кучим етса-ю, секин томга чиқсам, том ҳам баянда баянда бўлса! Шундоқ қарасам-у, уйим томи, орқасидаги бир туп ўргим қўрниса, ваҳ, қандай бўлиб кетардим!"....деркан армон ва алланечук оғриқ билан ... Шундай деб маюс жилмаяркан, қўзларидан ёш оқаркан...

Шу аёл қазо қилди. Ўлимидан аввал қизига: "Мени бу ердан олиб кетмай қўяқол. Шу шаҳардаги ўзингга энг яқин қабристонга қўйдиқ. Ҳарна яқинингда бўлай. Сен ҳам катта бўлдинг, кувайти кетди, ўлганларнинг орқасидан шаҳарма-шаҳар юраверма", -деди.

Ҳа Меҳринисо, онангиз бу тарафини ҳам ўйлаган бўлсалар ке-

рак. Ахир ўша қиз ҳам бу муштипар, бир парча гуштлигидан оқ ювиб, оқ тараб устирган ота-онасини ўйлаб, бир муҳаббатини эмас, ўз муҳаббатини қурбон қилса арзимасмиди?! Ҳа, у қиз хато қилди, лекин бу қалтис хато уни бир умр бўлиб қўйди.

Сизга яна бир маслаҳатим: "Отангизни ўғай деманг! Чунки, гоҳида эшитамизки, баъзи фарзандларнинг ўз оталари бундай меҳр қўрсата олмайдилар. Ҳа, Меҳринисо, фарзандли бўлиш осон, лекин уни парваришлаб воғга етказиш ҳар бир отанинг қўлидан келавермайди. Сизга у киши ўз фарзандларидек меҳр қўрсатиб, ёшлигингиздан парваришлаб ўстираётган эканлар, сиз бу отадан бир умр миннатдор бўлиб, уларга таъзим бажо айлашингиз керак. "Ўғай барибир ўғайда", -дебсиз. Йўқ, мен бу фикрингизга қўшилмайман. Миянғиздан "ўғай" деган сўзни чиқариб ташланг. Бас, у сизга ўз отангиздан яхшироқ (агар ўз отангиз яхши бўлганда сизни ташлаб кетмаган, ақали бир марта хабар олган бўларди) меҳр бераётганими, сиз ҳам бунга жавоб беришингиз керак. Яна бир гап: сизни ташлаб кетган ўша дугонангиз ва ўша йилгитдан воз кечинг. Улар сизга мис эмас экан. Агар дугонангиз чин дўст бўлганда, бундай ёлғон-ашиқ гапларга ишониб сизни ташлаб кетмаган бўларди. Ҳаётингиз ҳали олдинда, уларни унутинг.

Ноҳира ХОЛИҚОВА
 Тошкент шаҳри,
 Собир Раҳимов тумани

ШАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

Азиз дўстимиз Абдусоли АБДУЖАЛИЛОВ!

Сизни 17 ноябр куни 50 ёшга тўлишингиз билан кутлаймиз.

Сизга соғлиқ, ишларингизга омад, бахт тилаймиз!

Дўстларингиз Жўрабой, Сулаймон, Ҳроз ва Халил. Окқўрғон тумани, Султон-обод жамоа кўчалиги.

Ҳурматли МУҚАДДАСХОН!

Туғилган кунингиз муборак. Сизга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин.

Н. Алишер

Жондан азиз жияним, РАСУЛБЕК!

Туғилган кунинг билан кутлайман.

Икки ёшли ниҳолсан, боғ бўл,
Ота-онанг йўлига чироқ бўл.
Бува-ю бувингга қароқ бўл,
Суллоамиз қорига чоғ бўл.
Ёмонлардан қочил, йироқ бўл.
Ҳяшиларга ёндош, ўртоқ бўл,
Сунганга сунанч, тоғ бўл,
Ботирлиқда мисли Широқ бўл,
Ло-илло-Иллобилоҳ, соғ бўл!

Сени кучиб, ўпиб Ойдин холанг.

Ҳурматли Одил Юлдашев!

43 ёшингиз муборак бўлсин, дея

Бу ҳаётда доимо,
Сизга омад тилайман.
Таваллуд кунингиз-ла,
Чин қалбимдан кутлайман.

Ўртоғингиз Шахноза Нарзуллаева.

«ДИЛОРОМ»
ўқув маркази таъриф этади:
2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухорча
4. Тиюш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А" - уй,
1-қават, 115-хона
Тел: 144-58-34; 58-48-50.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

ЖИГАРЛАРИМ БАХТИ МЕНИНГ БАХТИМДИР

Мен бу аёлни кўпдан танир эдим. Унинг ҳаётини озми кўпми билганим учун ғамгин юршишга сабаб топа олмасдим. Кўрган ҳавас қилса аризгудек оиласи, бир-бирдан ширин фарзандлари борлигини билардим. "Дилором опанинг армони бўлмаса керак" - дерди ҳамкасбларим у ҳақда сўз кетганда.

Ҳар гал унинг маънос нигоҳларига дуч келганимда аллақандай бўлиб кетардим. Аммо юрагидаги пинҳоний изтироблар боисини сўрашга журъатим етмасди. Балки ичиди бирор дарди бордир. Йўқ, мен

гандек. Аммо, кўнглидагиларни очик айтмаётгани кўзларидан билиниб турарди. Фақат кечкурун ёлғиз иккимиз қолгач кўнглини ёрди.

- Биласизми, синглим, киши бахтли бўлиши учун ёлғиз ўзининг бахти камлик қилар экан. Мана менинг ҳаётимни олинг. Ҳамма менга ҳавас билан боқди. Кўп орзуларим ушалди. Оилавий бахтим тўқис, ўз севган касбимда ишлайман, соғлигимдан шикоят қилмайман. Гўё мендан бахтли одам оламда йўқ. Аммо ўзимни тўқис бахтга эришган деб айта олмайман. Ҳозир сизга сабабини тушунти-

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

риб бераман. Тўғри, бу гапларим билан сизни ҳайрат-қуни ўзи ёрибди қолди.

Уша куни тушдикида бошланган баҳс кечгача давом этди. Баҳсимиз мавзуси эса бахт ҳақида эди. Кимдир бахт соғлиқ деса, яна биров бахт мезони маънавий баркамоллик деди, яна кимдир эса бадавлат бўлиш керак, камбағаллик ҳам бахтсизлик деган фикрни айтди. Хуллас, ҳаммаимиз бир четдан бахт ҳақидаги ўз тасаввурларимизни билдирар эдик. Фақат Дилором опагина бизнинг қиёин баҳсимизни жимгина бир четда қузатар, аммо одатдагидан-да ўйчанроқ эди.

- Дилором опа, сиз ҳам бир нарса десаингиз-чи. Ёшингиз ҳаммаимиздан улар, кўпни кўргансиз, - дедим уларни гапга солиш мақсадида.

- Бахтми? - шундай дея у бир зум жим қолди. Сўнг эса давом этди. - Бу ерда сизлар айтган фикрларга қўшиламан. Соғлиқ, давлат, тинчлик буларнинг барчаси инсон бахтли бўлиши учун керак, - деди. Шу билан бизнинг бахсу мунозараларимизга яқун яса-

лантираёпти. Менинг ёши ўттиб қолган ёлғиз опам бор. Халимча тенгини топиб оилани бўлмолади, биттагина укам бор. У болаликдан ногирон бўлиб қолган. Опам иккимиз унинг ҳолидан хабар олиб тураимиз. Отам болалигимда вафот қилган. Опам бизга ҳам оталик, ҳам оналик қилган. Опам мактабни тугатган, кечкида ўқиб, ишлади. Ҳатто оила қуришни эртага сура-сура қари қиз бўлиб қолди. Бугун ногирон укамнинг бошида парвона, ўз бахтини укамнинг меҳрига алишди. Оиламизда биргина мен, бир қиз, орзу қилган бахтининг бағрига етдим. Лекин бу бахт менга ҳамлик қилаёпти. Жигарларинг бахтли бўлмагач, бахтинг қайдан тўқис бўлсин.

Шу кун Дилором опадан эшитганларим менга жуда таъсир қилди. Бир зум ўзимни Дилором опанинг ўрнига қўйиб кўрдим, сўнг эса Оллоҳга фақат ўз бахтим учун эмас, жигарларимнинг бахтини сўраб ҳам шукроналар айтдим.

Хидоят ОЛИМОВА

СИЗНИ СЎРАШАЯПТИ... СИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАШИБДИ...

Оила қуриш мақсадида хат ва эълонлари газетамизда чоп атилган мухлисларимизни сўраб қўнғироқлар бўлади, мактублар келади.

"Хурматим жойида, лекин..."-39-сон "З.А.", "Хаёт ўтавераркан"-43-сон "К", ва "Оила-532", "535", "537", "539", "541"лар редакцияга қўнғироқ қилишингизни (тел: 34-86-91 Лола Аҳмедова) ёки келиб ўзингизга аталган мактубларни олишингизни сўраймиз.

Куда хола

БАХТИЁРЛАР КЎПАЙСА...

Менинг бир фарзандим (қизим) бор. Қизимнинг отаси бизни ташлаб ҳайроқ қизга учиб кетган. У ҳаттоки нафақа пулини ҳам бермади. Ақрашганимизга 5 йил бўлган. Ҳаётимда мен ҳам ўз бахтимни топсам дейман. Қизимга эса мард ва ўқтам инсон ота бўли-

шани ният қиламан. Шундай талабларга жавоб бера оладиган эркак бўлса шоядки тақдиримиз қўшилса, бахтиёрлар сафи кўпаярмиди, дея умид қиламан.

М. Тошкент шаҳри

МУНОСИБ ЖУФТИ ҲАЛОЛ ИЗЛАЙМАН

Оилада ёлғиз ўғилман. Отанам ҳозирда қариллик нафақасида. Опам ва сингилларим турмушга чиқиб ўз бахтини топиб, бола-чақалик бўлиб кетишган.

Мактабни битириб шаҳарга ўқишга кирдим, сўнгра армия хизматини ўтадим. Кейин шаҳардаги бир қорхонага ишга кирдим. Ҳозир ҳам шу қорхонада ишлайман. Ҳар бир йилнинг шу ёшда ўз севган қизи бўлади. Менинг ҳам ўз севган қизим бор эди. Лекин, тақдир экан ота-онам ўзимнинг севган қизим қолиб, бошқа қизга уйлантиришди. Чунки, ота-онанинг сўзини икки қилолмадим. Ниҳоят уйландим, ўйли-жойли бўлдим, бир йилдан кейин бир қизлик ҳам бўлдим. Аммо турмуш ўртоғим мен билан аҳил бўла олмади. Олисга катнаб ишлайман, ишим кўпчилигидан баъзан оилам ишларига қараша олмайман.

Турмуш ўртоғимни ўзи менга кўнглисиз эди. Кўп ўтмай бунни ўзини ота-онасига ҳам маълум қилди шекилли, улар қизларини бизни оиладан ажратиб олишга астойдил ҳаракат бошлашди.

Мен оиламни сақлаб қолиш учун, битта қизим тирик етим бўлмаслиги учун турмушимни сақлаб қолишни ўйлаб каттик турдим. Барибир қумдан қаср ясаб бўлмас экан. Олти йиллик турмушимиз ниҳоят суд орқали бузилди.

Начора, бу ерда менинг ҳам айбим бор. Қизни ўзини кўрмай, билмай туриб уйландим. Хатоликка йўл қўйдим. Бундан бу ёғига нима қилишга хайронман. Кўпчилик қатори мен ҳам тинч, аҳиллик билан ҳаёт кечириб умргузаронлик қиламан дедим. Бўлмади. Ҳозир ёшим 30 да.

Шунинг учун кўпдан буён ўзимга лойиқ, эркак кишини ҳурмат-иззатини, қадрини биладиган, қалби ғўзал ўзбек қизини ёки бева, фарзанди йўқ аёлни излайман. Тошкент вилоятида яшайман. Уй-жойим бор.

Б. Х.

Беруний шаҳрида пишиқ гиштдан қурилган, 2 қаватли, 8 хонали, 10 сотих ер участкаси бор барча қулайликларга эга (канализация, сув, табиий газдан алоҳида иситиш системаси, ҳаммом, гараж ва ҳ.к.лар) шахсий уй сотилади ёки Тошкент шаҳридаги уй (дом)га ўзаро келишилган ҳолда алмаштирилади.

Тел: Тошкент шаҳри, 54-01-85, 34-86-91 Лолани сўранг.

Озиш, семириш, қабзиятдан ва хуснбузарлардан қутулишга ёрдам берамиз.

Тел: 74-71-29

Оила - 542

Тошкентлик, касби ҳамшира бўлган, 31 ёшли ажрашган оқила, хушрўй жувон ўзига умр йўлдоши излайди.

МЕҲРИБОН ОНАМ

Онамнинг исмлари Ҳосила. Ҳосилни йиғиб-териб олаётганда туғилган эканлар. Онам жуда ғўзал, фаришатасифат, юзидан нур ёғилиб турувчи аёл десам муболага бўлмайдим. Онам ўзи жудаям яхши, меҳрибон, мени ва укамларни, дадамни жонидан ортиқ яхши кўради. Уй рўзғор юмушларини шунчалар яхши ва тез бажаради. "Она" бу учта сўз - "О" - орият, "н" - нафосат, "а" - андишалик демакдир.

Онам 40 ёшга тўлмоқда. Уни бу ёши билан муборакбод этаман.

Маржонахон ЖУМАНОВА Самарқанд вилояти, Қозоқ қишлоғи



Гулчехра Гиецова "Севишганлар", "Дахонинг ёшлиғи", "Нафосат", "Интеграл" каби унлаб ажойиб фильмлар ижодкори Элёр Эшмухамедовнинг синглиси. У Элёр ақасининг ортисидан эргашиб Ленинград шаҳрига борди ва киномуҳандислар институтида ўқиди. Уқишни тамомлагач телефильмда ишлади. Сўнг ўқишга бўлган иштиёқи уни Маданият институтининг режиссёрлик факультетига етаклади.

Сиз Гулчехра Гиецова номи-

ГУЛЛАРИНИНГ ЧЕҲРАСИ

ни республика радиоси орқали кўп мартаба эшитгансиз. "Адабиёт ва радиотеатр" муҳарририяти журналистлари тайёрлайдиган эшиттиришлар сўнггида режиссёр Гулчехра Гиецова номи эълон қилинади. Радионинг олтин фондидан жой олган тўрт юзга яқин радиопостановкалари эса аллақачон ўзининг миллионлаб мухлисларини топган.

Гулчехра опа ўзининг биринчи режиссёрлик иши, "Сехрли кўза" эртаги асосида тайёрланган инценировкани ҳамиша ҳаяжон билан эслайди. Бу ишда унга қадрдон устозини машҳур режиссёр Наби Ҳасан катта ёрдам қилдилар. Гулчехра опанинг режиссёр бўлиб ишлаётганига ҳам роппа-роса йигирма йил бўлибди. У Н.Думбадзенинг "Қукарача", Ч.Айтматовнинг "Соҳил бўйлаб чопаетган олапар", Достоевскийнинг "Ок тунлар", Л.Зорининг "Мис кампир", Явдат Ильёсининг "Сўғдиёна", В.Шукшининг "Миль пардон мадам" каби асарлари асосида жуда кўплаб постановкалар яратди.

- Гулчехра опа, аёл киши учун режиссёрлик қилиш қийинми?

- Бундан ўн йил олдин бу саволни берганингизда "ҳа, қийин!" деб жавоб берган бўлардим. Ҳозир ҳамма имкониятлар етарли. Ешгина қизлар режиссёрлик пултиларида ўтириб олиб, ўз ишларини бемаълал удалашаётганидан қувонсан киши.

- Яратган радиопостановкаларингиздан қайси бири сиз учун кўпроқ қадрли?

- Ҳаммаси. Ҳар бирида уйқунос тунларим, заҳматларим, изланишларим яширин. Ҳаётимни икки қисмга бўладиган бўлсам, бир бўлагини оиламга, бир бўлагини эса севимли ишимга бағишлаганман.

- Гулчехра опа, устозларингиз...

- Устозлардан ёлчиганман. Режиссёрлар Наби Ҳасанов, Неймат Дўстхўжаев, Элёр акам ва китоблар.

- Донишмандлардан бири "Китоб кўтариб олган одам ҳеч қачон ёлғиз эмас" деган.

Доимо қўлингизда китоб кўраман. Кимларни кўпроқ ўқийсиз?

- Одам ўқиб бўлганидан сўнг хаёлидан чиқмай юрадиган асар энг яхши асардир. Кафканинг китоблари шундай. Ҳозир Микки Спленнинг "Улимнинг асал хиди" китобини ўқияпман. Навоийнинг шеърияти мени хайратга солаваради...

- Дўстларингиз кўпми?

Мастура Исҳоқова, Раҳмат Жумаев, Шоҳида Узоқова, суҳандонлар Мухаммадхон, Ҳалима, Рустам Қурбанов... Улар нафақат дўстларим, устозларим ҳамдир.

Аёлни гулга қиёслаймиз. Ҳар бир гулнинг эса ўз ифори, ўз чеҳраси бор. Гулчехра опа барча аёллар каби фарзандларининг қамолини, оиласининг тинчини ўйлайди. Ўғли Шухратхўжа онасининг изидан кетди. Қизи Юлдўзон Шарқшунослик институтиде ўқияпти. Гулчехра опага ҳамиша сийҳат-саломаатлик, омад ёр бўлишини тилаб қолаимиз.

Меҳринисо ҚУРБОНОВА

ИСМГА ҲАМ БОҒЛИҚМИКАН?

Ойимнинг ёшгина сингиллари оламдан ўтган. Иسمи Гулнора эди. Кейин укаларини уйлантиришди. Келиноним бир йил ўтар ўтмас жажжигина қизча тугди. Исмини Гулнора қўйишди. Гулнора эндигина 2 ойлик чақалоқ эди. Биз улар билан бирга турмас эдик. Бир куни ойим тушларида сингиллари билан гаплашибдилар. Улар ойимга Гулнорани оламдан ўтганини, бу воқеа бугун соат 4.00 да содир бўлишини айтишди. Эрталаб туриб тезда келинонимни уйларида бордик. Улар касалхонада экан. Уша куни Гулнора соат 4.00 да оламдан ўтгани маълум бўлди.

Қаранг-а, ойимнинг тушлари ўнг келди. Эҳтимол холамнинг исминини қўйганимиз учун ҳам жияним уларнинг олдида кетгандир, деб ўйладик. Тўш бизни хайратда қолдирди.

Меҳри МУРОТОВА

Аямни бу гапларидан кейин чидай олмай йиғлаб юбориб ховлидан чиқиб кетдим. Йиғлаган сайин юғуриб кетаялману лекин қаёққа кетаётганимни билмасдим. Орқамдан бир пасда Қахрамон акам ҳам етиб келиб мени юпата бошладилар:

- Кўйинг Юлдузхон, йиғламанг, онангиз аччиғ устида гапирди-да, кўйинг, жоним йиғламанг!

- Қахрамон ака, - дедим тўхтаб, - аямни бу гапларидан хайрон бўлманг, у киши шу ерда ҳам ўгайлигини кўрсатди. Мен ҳозир холамларнига кетялман. Сиз шундай бир жой топингиз улар бизни топишолмасин, бу кишлоқдан бош олиб кетамиз, мен энди уйга қайтиб бормайман.

Холамнига кириб борганимда хамир қилаётган эканлар, у кишини кўриб раҳматли аяжонимни кўргандек бўлиб баттар ўқсиниб, йиғлаб юбориб кучоқларига отилдим.

- Узингни бос, қизим, ўзингни бос. Нима бўлди, тинчликми, нега йиғлайсан?

Қани энди ўзимни тўхтата олсам бўлган воқеани гапириб берсам. Йиғлай-йиғлай сал ўзимни босиб олгач, ҳаммасини бир бошдан гапириб бердим.

- Худо раҳматли опажоним бўлганларида бунчалик хор бўлмасдинг қизалоғим. Майли, бизни кига қолиб яшаб тургин, даданг олиб кетгани келса гапириб қўяман.

- Йўқ холажон, биз Қахрамон акам иккаламиз кетмоқчимиз, умуман ҳеч ким тополмайдиган ерга бориб яшамоқчимиз.

- Қочиб кетмоқчимисан қизим?

- Ҳа.

- Бу шаштингдан қайт болам, ҳозир қонинг қайнаб, ёшлигингга бориб қилаяпсан бу ишни, сал кейин қаттиқ пушаймон ейшинг мумкин. Уша учун асло ундай қила кўрма болам, ҳеч бўлмаса отангни шайнни, эл-юрт олдидаги эркаклик хурмати уни ўйлагин! Сен кетиб қолсанг у инсон кишлоқда қандай қилиб бош кўтариб юради, шуни ўйладингми ҳеч? Йигит кишига бунини унчалик аҳамияти йўқ, ҳамма лазнат қизни номига келиб тегади. Яна, отангни қарғишини олиб юрмагин қизим. "Она қарғиши йўқ, ота қарғиши ўқ бўлади" дейишди, биласанми шуни?

- Биламан холажон, ўша учун ҳам ўгай онамни гапларини отамга айтиб, у кишиндан ризочилик олиб, сўнг кетаман.

- Кетмай меникида турсангизлар ҳам бўлади-ку, яшасан, мен ёлғиз яшайман.

- Қолломайман, холажон, бу ерда бўлсак ўгай онам бизга тинчлик бермайди. Яхшиси Каттакўрғондан батамом чиқиб кетамиз.

- Вой-вой, ўгай онангга хафа қилдириб қараб тураманми болажоним? Сени шайннингга озгина гап қилгудек бўлса бориб сочини битталаб юлиб келаман-а!

Биламан, холажоним мени ҳеч қачон ўгай онамга хафа қилдириб қўймайди, лекин, кейинчалик мени деб уриш-жанжал бўлишини, ўртага совуқчилик тушиб, юз кўришмас бўлиб кетишларини асло хоҳламасдим. Ҳозир менга меҳр-ла кўзларида ёши билан тикилиб туриб юпатаётган холамнинг муҳаббати, оналик севғиси, ўз онамниқидан кам эмасди. Лекин шундай бўлса-да, уларни ташвишга қолдиришни истамасдим, умуман, бу кишлоқда қолмасликни қалбим титраб-қақшаб ёлвориб сўрарди. Ахир ҳар бир инсон қалби не деса шунга бўйсунарди-ку, мен ҳам юрагимга кулоқ солмаслигимни ҳеч иложи йўқ эди.

Кечқурун дадам келдилар. Биламан, ўгай онам дадамга мен ҳақимда қанақанги бўлмағур гаплар билан ёмонлаганини. Дадам эса у гапларга ҳеч ҳам ишонмайди, чунки уйда ҳам айрим дамларда дадам хабари бўлган воқеа ёки ўтган гапларни бирига ўн қўшиб, ёлғон-яшиқ аралаштириб гапирарди. Дадам эса мийғида кулиб эшитиб ўтирар, аммо "мана бу гапинг ёлғон-ку" демасдилар. Бугун ҳам худди шундай бўлганлигига аминман.

Дадам холам билан ҳол-аҳвол сўрашгач, менга юздандилар:

- Юлдуз, мен билан кетасанми ёки энди шу ерда қоласанми?

Халигина жаҳл устида дадамдан розилигини оламан деб ботирлик қилиб кўйганим, бўлмади. Қизлик ифратим, ибод-хаёдек бир уялиш мени ундай сўзлар айтишга қўямасди. Уялиб ерга қарадим.

- Нега гапирмайсан, қизим?

Мехрибон дадажонимнинг сўзларидан кўнглим бўшаб йиғлаб юбориб, ўзимни у кишининг бағрларига ташладим.

- Йиғлама қизим, қара, роса ўқибсан-а? Уша онам ҳам жаҳл устида койиған-да, айт олиб кетайми ёки қоласанми шу ерда?

- Кетмайман, - дедим йиғламираб. Дадам сочларимни меҳрибонлик билан силаб дедилар:

- Жуда яхши, унда ана холагн билан туравер, хўпми!

- Йўқ дадажон, бу ерда ҳам яшайман.

- И-я, бу нима деганинг, қаерга, кимнигга кетасан бўлмаса?

Гапиролмадим, хайрият бахтимга холажоним жонимга оро кирди.

- Почча, кизингиз эрга тегиб, эри билан кўчиб кетмоқчи.

- Кимга?

- Ахор тоғани ўғли бор-ку, исми нима эди-я, ҳа, Қахрамон деган ўғлига, яхши танисангиз керак!

- Ҳа, танийман, - дея дадамни ҳозиргина меҳр билан боқиб турган чехраси ўзгарди. - Аммо... ўзингиз биласиз, улар бизни авлоддан паст юришади. Қизим, - дадам менга қараб, - биз улар билан олди-берди қилолмаймиз, тушунасани шуни?

Эҳ, отажоним, сизчи, сиз? Наҳот бизни тушунишни хохламайсиз? Мен энди нима қилишим керак, биздан паст экан деб воз кечайми, асло, осиб ўлдирсалар-да воз кечмайман. Ҳаётим, борлигим, муҳаббатимнинг илк гунчаси шу йигит - Қахрамон акам, у гунчани узиб ташлашим ўлим билан баробар. Ҳаётимнинг мазмуни, ширин орзу-ниятларимнинг дебочаси шу киши. Мен ўз бахтимни шу йигитдан топшишга тўла ишонман. Фақат Қахрамон акам билан бахтли бўла олишим мумкин.

- Дадажон, мени ҳаётда бахтсиз бўлишимни хоҳласангиз майли, мен бошқага, сиз айтган йигитга тур-



НОМАРДЛИК

ЁКИ ХУДО УРГАН ЙИГИТНИНГ ҚАСОФАТИ

мушга чиқаман. Мени келажак орзу-ниятларимнинг ҳаммаси барбод бўлади. Худо раҳматли онажоним бўлганларида мени райимга қараган бўлармидилар, - деб баттар йиғлаб юбориб, ичкари уйга кириб кетдим. Бироз вақт ўтгач дадам кириб келди, холам у кишига обдон тушунтирган шекилли, келиб бошимни силаб розилик билдирдилар.

- Майли қизим, мен розиман, тўйинг ўтгач кетаверасизлар. Менинг энг севимли, эркатой қизим бўлганин учун ҳам рози бўлаялман. Бир умр эсингдан чиқмасан қизим, эрингни биздан паст экансан деб ерга урма, у сени умр йўлдошинг, у сени ҳаётдаги ҳамроҳинг!

Тўйимиз ўтди. Олдий кишлоқ тўйларидан қолишмайдиган тўй бўлди. Шу тариха ҳеч ким бизни тополмайдиган, излаш учун хаёлига ҳам келтирмайдиган Зарафшон шаҳрига келдик.

Юлдуз бошидан ўтганларини айтиб тугатар экан, жим бўлиб қолди. Мен эса чин мард эркак сифатида синглидек бўлиб қолган кизга ачиниб ўрнига юрагимда ваҳиёна, номардлик ҳиссиётлари ўрмалай бошлади. "Уни висолига етиш осон экан, иқтисодий қисмига олсам, ўзи келади ёки алдаб олиб кетиб "ишмини" бажариб келсам ҳам додани ҳеч кимга айтмайди. Эй Худо, қачон бу гўзал Юлдузчанинг висолига етарканман-а, қачон уни бағримга олиб қучарканман."

- Юлдуз, сизни ҳаётингиз йўлидаги кечмишларингиз оғир экан, энди буёғига яратганинг ўзи қўласа яхши бўлиб кетади. Мендан қандай ёрдам, нима қушмоқ керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмай олдимга келаверинг. Фақат, битта шарт билан ёрдам бераман.

- Қанақа? - ялт этиб қаради Юлдуз.

- Қанақа бўларди, қайтармаслик шarti билан ёрдам бериш, розимисиз?!

- Раҳмат Собир ака.

Шу-шу Юлдуз мени олдимга "ака" деб тез-тез келар, ҳатто эри Қахрамон билан ҳам таништириб, рўйи-рост ака-сингил тутинганини айтди. Қахрамон тушунган, мулоҳазали йигит эканими ёки Юлдуздан кўрқадими, бизнинг муносабатимизга қаршилик кўрсатмади. Мен Юлдузга бир неча марта таба ҳар хил кийимлар, туфли совға қилдим.

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Уйлардимки, аста-секин уни қалбини совғалар, ширин сўзлар билан забот этиб, ўзимники қилиб оламан, сўнг эса бир умрлик малагимга айланади. Афсус, аёл киши ўз эрига вафодор, садоқатли бўлса, уни чин юракдан сева, бундай аёлнинг қалбини совға-салом билан, ширин сўзлар билан эгаллаш қийин экан. Мен бунини Юлдуз мисолида исботини кўриб ҳайрат ила ёқа ушлагандим. Чунки, у мендан совға олганида ёки ёрдам сўраб келганида бирор марта менга ибод-хаёсиз қилиқ қилмаган, ёхуд енгилтақлик қилиб бошқача қарамаган.

Уша кунларда қўшнимиз ўзини уч хонали уйини сотмоқчи эканлигини айтиб қолди. Нархини 200 минг сўм деди. Мен унга "бир оила бор, оладими-йўқми гаплашиб кўрайчи", дедим. Тунин билан кўзимга уйку келмади. Юлдузга шу уйни совға қилиб уни "калтис ишқ ўйини"га дангал таклифимни қўймоқчи бўлдим. Унга нисбатан муҳаббатим шу қадар кучайиб кетгандики, унинг бир оқшомлик висол нашидаси учун 200 минг сўмни ҳада этишгача рози эдим. Ваҳоланки, ўша дамларда хотиним бечора битта киши оёқ кийим олиб беринг, деб бир неча бор ёлворганди. Беш-олти минг турадиган оёқ кийим сотиб олишга қизганардим 200 минг сўм эса кўзимга кўринмасди.

Юлдуз рози бўлармикан, ҳа, рози бўлмай қаёққа ҳам боради. Уйнинг даррагини эшитгач, жон-жон деб кўйинимга қиради. Шу бир марта алдаб олгунимча анча қийналаман, кейин ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Секин эрини йўқ қилиб, иккинчи хотин қилиб оламан, бу менинг энг эзгу орзу-ниятим. Ҳадемай бу орзуимга етишаман, оз кунлар қолди.

Эртаси кун телефон орқали ётоқхонага кўнгирак қилиб Юлдузни бошқармага кабинетинга чакирдим. Тушликка яқин у кириб келди. Салом-алиқдан кейин Юлдузга разм солдим, у ўша-ўша оромжон қиёфада, хусни-латофати очилган гулдек бўлса бордики, асло гўзаллиги йўқолмаган. Қулиб туриб жонни олгучи юз-кўзлари, чехраси мени эркаклик ҳирсимни кўзгатар, зўрга ўзимни босиб, шайтонга хай бериб турардим. Юлдузга тикиларканман, гапни нимадан бошлашни билмай бошим қотди.

- Бирор-бир жиддий гапингиз бормиди, Собир ака? Теъза етиб келсин дебсиз.

- Ҳа, Юлдузхон, бир кичик янгилик айтмоқчи эдим. Бизни "дом"да яшайдиган бир киши 6-чи микрорайондаги 3 хонали уйини сотмоқчи экан. 200 минг сўм деярли, шуни сизга олиб бермоқчиман. Тўғрироғи, 200 минг сўмни бераман, ўзингиз бориб сотиб олиб расмийлаштирасиз. Кўриб юрибман, уйсиз қийналаяпсизлар, шунга нима дейсиз?

Юлдуз индамай ўйлашиб қолди.

- Нега гапирмайсиз?

- Собир ака, биз бу қарзни қачон тўлаймиз, бу жуда катта пул-ку. Биламан, бу пулни шунчаки, бекорга бермайсиз, шу пайтгача қилган яхшиликларингиз ўзи бошқа. Бир ака бўлса, шунчалик бўлади-да, сизга раҳмат, лекин, бизни у уйни олишга қўрбимиз етмайди.

- Тўғри топдингиз Юлдузхон, бундай катта пулни ҳеч ким ҳада қилмайди ёки яхшилик сифатида бермайди. Мен эса бу пулни қайтармасликни бир йўлини сизга айтмоқчиман, агар ҳўп десангиз олам-гулистон, уй сизларники, фақат...

- Нима? Қандай қилиб?

- Юлдузхон, нима десам экан сизга. Шу пайтгача сизни синглим деб юрсам-да, юрагим сизни қўмсаб ором бермаппти. Тўғрисини айтсам, сизни севиб қолганман, бунини тан оламан. Шунинг учун ҳам сизни қийналганингизни кўрсам қалбим "ёрдам бер" деб ҳайқиради. Сизни жонингиз озор чекишини юрагим асло хоҳламайди. Энди эса у сизни қўмсагани қўмсаган, агар бир оқшом мени меҳмоним бўлсангиз, сиз учун бор-будимни яямасдим. Хали-ку, бу уй экан, ҳаётим ҳам сизники, фақат менга азоб берманг, илтимос. Хўп денг, Юлдузхон?!

Гапимни тугатиб Юлдузга қарадим, унинг шахло кўзларидан ёш сизиб чиқиб, ҳиллол юзини ювиб пастга тушар, мёнга худди ҳайкалдек, беҳис термулиб турарди.

- Мен сизга энди-энди туғишган акамдек кўнгилик қўяётган эдим Собир ака, сиз эса... Афсус, - Юлдуз кўзидоғи ёшларини рўмолчаси билан артаркан ерга қараб йиғлаб юборди. "Йиғламанг", дея юпатиш учун олдида борганимда, ҳурқиб туриб кетди-да важоҳати ўзгарди.

- Яқинлашманг менга, сиз ярамас одам экансиз, сиз чин сингиллик меҳримни ери билан битта қилиб топтадингиз. Мен сиздан энди жирканаман, аслида сиз эркаклар ҳаммагиз бир гўр экансизлар. Аёл кишини албатта бағрингизга олиб ётишни ўйларкансизлар. Афсус, мен сиз тўғрингизда қаттиқ янглишган эканман. Бу хатомни энди тушуниб етдим. Қадримни, аёллик ифратимни нархи 200 минг сўм экан, қандай бедодлик-а, арзонгаров савдо. Мени ор-номусини сотади деб қандай ҳаёлингизга сиздира олдингиз? Лекин, жуда қаттиқ адашдингиз, мен ўла-ўлгунимча эримга ҳиёнат қилмайман, эшитдингизми, ўла-ўлгунимча. Сиз номард экансиз!

(Давоми бор)

Зарафшон шаҳри

Дилшод Қўлдошев

Мен учун қадри бўлиб қолган "Оила ва жамият" тахририяти. Сизни газетангизни ҳар бир сонинда "Мангу эшитиб", "Бизга хат йўллаб-сиз" руҳида берилган ҳар хил тақдирлару, кўнгил биткиларини ўқиб мен ҳам аросатда қолган ҳаётимни минг иккиланиш ва исти-ҳола билан охири ёзишга қарор қилдим.

Хуллас: Мен 10 синфда ўқиб юрган давлар эди. Балоғатга етadиган давлар эмасми, жуда таъсирчан, қизиққан, оилада ёлғиз қизлигим учун эркатойлигим ҳар қадаримда билинарди. Қўшни йигитни икки-уч ой қарашлару, кузатувидан сўнг унинг синглиси орқали қўлимга "севги" мактуби тушди. Ўқиб, ўзимни кўярга жой тополмадим. Менга ёт бўлган ёки дугоналаримни устидан кулгига сабаб бўлган туйғу.

Мен иккиланиб қолдим. Гўё бу хат сохтадек ёки мени синаш учун ёзилгандир деб ўйладим. Умид билан би-шувдан сўнг хато ўйлаётганимни сездим. У ёмон бола эмас эди, оиласи ҳам яхши, ўзимиз ҳам қариндош эдик. Лекин, унга нисбатан юрагимда заррача туйғу йўқ эди. Мен онандан аширадиган сирим йўқлиги учун бу гапни ҳам онамга айтдим. Онам: "Қизим, мени ўйласанг кўп дегин, биламан, ҳали сизлар ёшсанлар, вақти-соати келиб тақдирларинг қўшилган бўлса ажабмас, бир қадам яқин, сен мендан, мен сендан хабар олиб юрардик", - дедилар. Мен минг иккиланиш билан унга рози бўлгандек бўлдим. Лекин, юрагимда нимадир тинчлик бермасди. Эндиги ҳаётим ўша йигит билан бөлгик эканлигига ўзимни ишонтиришга ҳаракат қилардим, бир кун яхши га-пирсак, бир ой арашлашиб юрардик. Ҳа, у мени ростдан ҳам севарди, қанча эркатойлигим бўлса кўта-ра оларди ва яна ўзи ярашишга йўл очарди. Мен илгари ҳеч қимни севмаганлигим учун бу севгимни ё ҳавасми ёки олдий бир қизларга хос кўни-кишми билмасдим. Шундай қилиб кунлар ўтди, мен мактабни битирдим. Ўқушга киролмадим, ўй-дагилар мени ишга жойлаб қўйишди. Умид эса мендан каттароқ бўлгани учун ўқушни битириб шаҳарга ишга қолди. Ҳафтада бир кун келарди. У келганда ҳам йўлда тўқнашиб қолсақ гаплашар-дик холос. Анча кўзга яқин бўлиб қолгандирман, қариндошларнигина тўй-ҳашамларга борганимда йигитлар мени учрашувга таклиф қилар, севиб қолганликларини тушунтиришга уринардилар. Бошқа йигитлар билан учрашиш у ёқда турсин, қарасам ҳам Умидга хиёнат қилаётгандек туюлар-ди менга. Ахир мени пешонамга "йигити бор" деб ёзилмаган эди-ку. Умид эса буни тушуниш-ни ҳам хоҳламасди, рашқдан ўзини туюлмасди. Мен унга "Иккинчи рашқ қилма, сен рашқ қила-диган иш қилганим йўқ-ку, менга ишонсанг га-пир, ишонмасанг кетавер", дедим. Хуллас, қат-тик тортишувдан сўнг у билан энди учрашмас-ликка қарор қилдим. Мен унга озми-кўпми ўрга-ниб қолган эканманми, уни унутиб анча қийин бўлди. У армия хизматида кетди. Менга умуман хат ёзмади. Ўйладимки у ҳам мени унутиб юр-ди деб. Бу орада анча вақт ўтди. Бир кун тоғам-ниқига тўйга бордим, у ерда бир йигитни учра-тиб қолдим. Бир қарашдаёқ бир-биримиздан кўз узолмадик. Шу пайтдаги ҳолатимни тасаввур қилолмайсиз. Фарҳодни билмадим, мен энди бахтимни топганлигимга, орзуимдаги йигитни уч-ратганимга ишонардим. Тўй тугагунча бир-бири-мизга қараш билан кифояландик. Фарҳодни та-нийдиган бир дугонандан сўрасам, у акамни жўраси экан, бизниқига кўп келган экан. Яқинда ўқушни тугатиб қайтибди. Нахотки мен уни ил-гари кўрмадим-а, балки Умид ҳаётимга бор учун унга эътибор бермагандирман. Мен энди у ҳақда ўйлайдиган бўлиб қолдим. Фарҳод шундай йигит эди-ки, кўрган қизлар унга ошқ бўлаверарди, балки се-виб қолганлигим учун менга шундай туюлгандир. Мен биринчи марта севги нима эканлигига тушуниб ёт-дим. Умид билан бесамар ўтган кунларимга аччандим. Лекин, Умидга қанчалик оғир бўлганини ҳам тушу-ндим. Фарҳод мени менчалик севиб қолганига ишо-насди, чунки мендаёқ ошқу бекдор қизларни ҳаёти-да кўп учратган эди. Фарҳод биринчи учрашувга та-клиф қилди. Мен чиқолмадим, чунки у билан гапла-шиш у ёқда турсин, узокдан кўрсам титтардим. Шун-ча йигитларга бўйсунмаган юрагим унинг олдида ўзи-ни ожиз ҳисоблар эдим. Ҳа, ростдан ҳам ожиз эдим. Ожиз бўлмаганимда эди, ҳали бир бор учрашмасдан, уни кўнглини билмасданок шунча титрамасдим. Бир йилча бир биримизга қараб юраредик. Мени яна бир бор учрашишга таклиф қилишини кутдим. У эса бун-дай қилмади. У ўз севгисини, менда кўнгли борлиги-ни бир танишичига айтарди холос. Фарҳодни уйдаги-лари менинг севгимдан беҳабар эдилар. Унинг она-си ўз яқинларини қизини олиб берамиз дейишди. У эса у қизга кўнгли йўқлигини айтибди, севганим

бор дейишга эса унга ирода етмабди. Унинг оиласида муҳит бунга йўл қўймамасди. Балки унинг менга бўлган тилсиз севгиси ҳам ёлғондир. Фарҳодни қарашлари бу фикримни тез таркатарди. У бизниқига тез-тез ке-лар, уйдагилар уни қўймай чойга таклиф қилишар эди. Уйдагилар унга кўнглим борлигини хаёлиларига ҳам келтиришмасди. Тўртинсини айтсам, ўшанга ёқиб учун ўзимга қараб юришни, овқат пиширишни, уйни тоза тутишни, хуллас яшашни ўргандим. У келганда ҳамма жой тоза, озода, мазали овқат пишириб қўйишни хо-ҳлардим. Мен унга худаям боғлиб қолгандим. Бирор дақиқам йўқ эдим уни ўйламасам, Бир кун у акам-ни чақириб келди. Кетганидан кейин "Нима деб ке-либди", десам, бу ҳафта шу кун тўйи бўларкан, шунга

лан мазага қилиб яшаб юрибди, эшитдим ўғиллик бўлиб-ди. У бахтини топди кетди, сени кўз ёш тўқиб ўтир-ганингни билармиди. У сени севса эди уйланди-да", - деди. Дугонан Умид армиядан қайтганини, мен-сиз яшай олмаслигини эшитибди. "Ақлинг бўлса Умидга рози бўл. Аёл зоти ҳамма нароага кўника олади. Но-мусинг ўзингга бўлса бунга қўйналасан. Фарҳод бе-ролмаган бахтни Умид беролса, бу кунларни унут-сан, лекин яна ўзинг биласану, куйинишларинг бари энди бефойда", - деди. Бундоқ ўйлаб қарасам одам-зод меҳрибон зоти она-сидан, қадрдони умр йўлдоши-дан айрилса ўлмайд-ю, бунча ўзини хор қилдим деб ўйладим ва шу аҳд билан Умидни тушунишга ҳаракат қилдим. Олдинги Умид ҳозирги Умиддан фарқ қилар-ди. У самимий, хушмуомала йигитга айланганди. "Биз-ни энди ҳеч қандай рашқ, гумон аж-ратолмайди", - деди. Нима-гадир кўнглим кўта-рилди. Майли менку севганимга етолмадим, ҳеч бахтли қилиш дебдими. Чунки, мен торган азобларни у ҳам тортаётган эди. Лекин, бу хаёлларим узокқа чўзилмади. Яна мендан бахт юз ўтир-ди. 3-4 кун ўтар ўтмас у бир жиноятга арашлашиб кел-ганликда айбаниб, қамалиб кетди. Мен иккинчи бор ҳам ҳасамни йўқотиб қўйдим. Аро йўлда қолдим.

БИЛМАМ АДАШТИММИ?

ҳабарга келибди, дедилар. Ақамни олдида қандай қилиб ўзимни хонамга кирганимни билмайман. Жон-сиз хайкалдек қотиб қолдим. Нима қилишимни бил-майман. Ҳафтанинг ўша даҳшатли куни ҳам етиб кел-ди. Нойлох туриб ишга жўнадим. Йўлимни "келин-куёв" минган машина кесиб ўтди. Фарҳодга кўзим тушди. У шундай хурсанд эдики, гўё ундан бахтли одам йўқдек. Менинг Фарҳоддан хафа бўлишга ҳаққим йўқ эди. Ахир у менга бир дунё ваъдалар бермади. У кўнглини нега менга эмас орамиздаги дугонамга очдийкин. Нега ўзим-га келиб айтолмади. У мени қайси ҳолати биландир умидвор қилганди. Балки, менга уйланоламлигини, оилада онасини сўзи сўз эканлигини билиб мени умидвор қилгиси келмагандир ёки унинг салгина ил-тифотини илтимоси севги деб тушундимки. Нахотки ёл-

бўлмаса шуни қўлимдан келса бўлди бахтли қилиш дебдими. Чунки, мен торган азобларни у ҳам тортаётган эди. Лекин, бу хаёлларим узокқа чўзилмади. Яна мендан бахт юз ўтир-ди. 3-4 кун ўтар ўтмас у бир жиноятга арашлашиб кел-ганликда айбаниб, қамалиб кетди. Мен иккинчи бор ҳам ҳасамни йўқотиб қўйдим. Аро йўлда қолдим.

Севгисиз ҳаётимни ўхшатдим баргсиз дарахтга, Севгисиз ҳаётимни ўхшатдим жонсиз танага, Севгисиз ҳаётим ўтар мазмунсиз, Оқибатда қолдим мен бир умр ёлғиз.

Яна Фарҳод қадамимда учарди. Кўнглимни олишга ҳаракат қиларди, ҳатто "Сени "иккинчи" қилиб ола-ман", - деди. Рози бўлмадим, ахир бунақа ҳаёт-ни қайси қиз хоҳлайди. Ҳаммани қарғишига қолиб, ота-онамни юзини қора қилиб-а. Бал-ки Фарҳод бу сўзни мени синамоққа айтган-дир, чунки йигитлигида уйланди одам оила-ли бўлганда олармиди. Мен ҳис туйғуларим-га қарши бориб Умидни кутишга аҳд қилдим. Шу орада менга кетма-кет совчилар кела бош-ладим, мен рози бўлмадим. Уйдагилар мени рай-имга қарашди. Умидни икки йилдан сўнг чиқа-риб олишди. Фарҳод билан ниманидир торти-шиб турганимизни кимдир кўриб қолган экан, Умидга бу сўз зудлик билан етиб келди. Лекин Яратган эгам гувоҳ Фарҳодни шунчалик қаттиқ севсам ҳам, уни кўрганда ўзимдаги ҳаяжонни босолмасам ҳам, қизлик ор-номусимни ҳамма-сидан юқори кўя олгандим. Шунинг учунми кўнглим тўқ эди. Умид-бу оғиз сўз демай мен-дан юз ўтирди. Мен ҳақимда миш-мишлар, ёт қарашлар кўпайди. Балки ҳаётимни издан чи-қиб кетишига ўзим сабабчидирман. Лекин, шу вақт ичида Фарҳодники бўлишни эмас, Умид-ни бахтли қилишни ўйлаб юрардим. Ҳатто кел-ган совчиларга рўй рости Умидни адресини бе-рардим. Минг афсус у мени кўнглимда нима-лар кечаётганига қизиқиб ҳам кўрмади. Мен Фар-ҳодни ҳам, Умидни ҳам, ота-онамни ҳам айб-дор деб ўйламайман. Айбдор ёлғиз ўзим, фақат ўзим. Фарҳод уйландидаёқ ундан нафратла-нишим, Умид иккинчи бор келганда унга рози бўлмаслигим, ота-онам кимни менга раво кўрса, шунга турмушга чиқишим керакмиди?



гон ҳис туйғуларга берилиб юрган бўлсам? Жавобсиз саволлар қуршовида кунлар ўтди. Тўйдан 3-4 ҳафта ўтар ўтмас у яна ҳеч нарса бўлмагандек уйимизга ки-риб келди. Дарвозада мен уни қарши олдим. Фарҳод ҳеч ўзгармаган - ўша мени азобларга, ҳижронли кун-ларимга сабабчи бўлган тилсиз нигоҳ. Шу биргина нигоҳ мени ҳаётим, бутун умидим эди. Энди бу нигоҳ-дан нафратланишга ҳаракат қила бошладим. Мен ўзи-мни қўлга олиб, юзимни буриб уйга қайтиб кетдим. У илгаригидек тез-тез келиб турарди. Мен нима қилиш-ни билмасдим. Ҳарчанд уринмай мени кўнглимда унга нисбатан заррача нафрат йўқ эди. Бир куни мени кун-далиқ дафтарим Фарҳодни қўлига тушиб қолди ва даф-тарни қайтариш чоғида "Мени кечир, мени шунчалик севишингни билганимда эди, ҳаётимиз бошқача бўлар-ди", - деди. Мен "Энди бахтли бўл", - дейишдан ўзга сўз айтолмадим. Ҳис туйғуларимни жиловлашга ҳара-кат қилардим. Уники бўлиб қолишдан жуда кўрқардим. Шу орада Умид армиядан қайтди. У мени унутмаган экан. Менсиз яшай олмаслигини, қанча уринмасин, мени унута олмаганини айтди. Мени кўнглимга эса қил ҳам сиймасди. Ҳис орамиздаги дугонан менга мас-лаҳат бера кетди. "Фарҳод энди оилалик, хотини би-

Эй мени армонимга, ёлғонимга айланган Фар-ҳодим, мени бир умр орзу қилиб яшаган Уми-дим, мени ҳаётдан эртиқроқ кўрадиган азиз онажон, мен учун бир дақиқа бўлса ҳам азоб чек-кан дақиқалар ҳаққи ҳурмати мени кечиринг-лар. Нимаки бўлмасин, мен Фарҳод билан Умид-га бахт тилайман. Онам "Севган одамнинг бахт-ли бўлганини кўришинг ўзи бахт" деган эди-лар. Ростини айтсам, мен ҳис-туйғусиз қизга ай-ланиб борялман. Ҳамма нарсга бефарқман, йигитлар-ни эндиги қарашим менга ёқараш ёки ёлғончи қараш деб ўйлайман, турмушга чиқиб ниятидан узоклашап-ман. Қолган умримни Оллоҳ йўлига онамга бағишла-моқчиман. Балки, мен қалта ўйлаётгандирман. Ҳар тонг Оллоҳдан билиб билмай қилган гуноҳларимни мағ-фират эттишини сўраб илтижо қилиб яшапман. Энди фақат Оллоҳумдан ва онамдан яқинроқ дардақшим кўзимга кўринмайди, чунки улардай мени тушуновчи меҳрибон йўқлигини энди билдим. Менинг бу хатни ёзишдан мақсадим, маслаҳат сўраш эмас, балки юра-гимни озгина бўшатиб, бир дақиқа бўлса ҳам ёнгли тортиш эди...

Мен армон, осмонга ҳавасла боққан, Мен оймам, юзим доғин ҳамма кўрган, Мен қуёшман, тун гўзаллигин кўра олмаган, Мен бир юлдуз, ўз жуфтини хануз топмаган, Мен баргман, кузни кутмай ҳазонлар бўлган, Мен дунёман армонларга лиқ тўла бўлган...

МАЪСУМА

Oila va jamiyat
Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муал-лиф жавобгар ҳисобланади.
Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Кўл ёзмавлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Телефонлар: Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ҲОМИЙ «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти
ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма 0-0558
37 639 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ.
Навбатчи — М. СОДИКОВ.